

ЕВГІО КОССААРД

Владимир Искру

Номус ва қасос

Мутаржим
Тоҳир МАЛИК



**УДК: 821
ББК: 84(4Эст)
И-79**

Иккюл В. Номус ва қасос/севги қиссалари. –Т.: «Янги аср авлоди». 2011. – 100 б.

ISBN 978-9943-08-707-1

Эҳтимол сиз ўтли муҳаббат қиссаси гувоҳидирсиз: қайси-дир кипидан эшитган ёхуд бирор адабининг ижод намуналаридан бажраманд бўлган бўлишингиз табний ҳол. Азиз китобхон, сизлар учун бу таомилга ўз ҳиссамизни кўшишни жоиз деб билдик. Муаллиф В.Иккюлнинг муҳаббат түғёни жўш урган ёшлар севгисидан ҳикоя қилувчи қиссаларини зътиборингизга ҳавола қилиб келмоқдамиз. Жумладан, «Номус ва ажал» қиссаси қаҳрамонларининг тақдири сизларни бефарқ қолдирмаган бўлса ажабмас.

Навбатдаги қисса қаҳрамонлари Габо ва Куара ўз муҳаббати йўлида учраган ҳар қандай муаммо ва тўсиқларни олиб ташлашга қодир. Уларнинг тақдири аянчли якун топади...

Қисса билан танишиб, холосага асос бўлувчи фикр ва мулоҳазаларни ўз ҳукмнингизга топширамиз.

**УДК: 821
ББК: 84(4Эст)**

**Мутаржим:
ТОҲИР МАЛИК**

ГДБ Узбекистон
ИНВ. № 337044

ISBN 978-9943-08-707-1

© Владимир Иккюл, «Номус ва қасос», «Янги аср авлоди», 2011 йил.

НОМУС ВА ҚАСОС

(*Кисса*)

Куз тонги... Ҳаво мусаффо, атроф гўзал...

Тордаги қариндошларини йўқлаб, адирда жойлашган овулига қайтаётган чавандоз шошилмаётгани учун отини қамчиламай, ўз ҳолига қўйган эди. Йигирма уч ёшлардаги бўйдор, кенг елкали қомати келишган, хушрўй бу осетин йигитнинг кўзлари кўк, соchlари эса қоп-қора эди. Кийими ўлкасининг одатига хос: узун папок, кўкраги кумушранг ўқларга тўла черкас камзули, белида кумуш суви юритилган ханжар, елкасида эса ҳар бир торлиқда хос миљтиқ осилган. Тагидаги оти – наслдор, қабардин зотидан – бадани офтобда товланади, оёқлари ингичка.

Куч ва қатъийликни отасидан мерос қилиб олган Габо – ҳали ёш, кувноқ, қалби қайнок жасоратли йигит. Унинг бутун борлиғи, ҳаракати мард йигитлардан бири эканини намойиш қилиб туради. У она-осетин тилидан ташқари ингуш тилини ҳамда оз-моз рус тилини ҳам билади.

У отни ўз ҳолига қўйиб, ажойиб тонг билан завқланиб бораради. Атрофга боқиб тўймасди. Габонинг кўзи узоқдаги бир чавандозни илради-ю, унга етиб олиб ҳамроҳ бўлиш ниятида отини ниқтаб тезлатди. Поёнсиз адирда ёнингда ҳамроҳинг бўлса зерикмайсан, қолаверса, йўл хавфсиз бўлади.

Габо нотаниш кишига етиб одди. Паст бўйли бўлсада, ташқи кўрининишидан чайир, бақувват, қарашлари эса маънодор ўттиз ёшлардаги ингушнинг оти ҳам ўзига ўхшаган кичкина, кўримсиз эди.

Габо ингуш тилида мусулмонлар одати бўйича салом берди. Нотаниш одам айни шу одат бўйича эҳтиром ила алик олди.

Буни қарангки, уларнинг манзимлари бир экан. Габо нотаниш чавандозга ҳамроҳ бўлишни таклиф этди. Улар йўлда кетатуриб қаердан эканликларини, қаерга кетаётганликларини бир-бирларига айтиб беришиди. Танишиш асносида Габо ҳамроҳини зимдан кузатиб чиқди. Ажаб, ҳамроҳининг бўрки яп-янги экан. Унда эса ҳатто эскиси ҳам йўқ. Шу адолатданми?

Габо олғирлик борасида суяги йўқ йигитлардан ҳисобланарди. У кўнглига ёқдан буюмларни чаққонлик ҳамда айёргик билан эгаллаб олиб, кейин ўз ишидан ўзи лаззатланарди. Ўзининг бу ҳаракатини ҳеч қачон ўғирлик ёки талончилик деб баҳоламаган. Балки масалани инсоф билан ҳал қилган адолатпарвар сифатида ўз-ўзидан мамнун бўлиб юраверган. Бу сафар ҳам бир адолатсизликка барҳам беришни дилига тутди: «Габо, ингушча бўркнинг нима кераги бор-а? – йўлади у. – Бўрк сенга кўп аскотади. Сенда эса ҳеч қандай бўрк йўқ, уники эса яп-янги экан, шу бўркни ўз елкангга ташлай олмасанг, ахир, шармандалик эмасми?!»

Бир оз шу хаёлда юргач, қатъий қарорга келди: «Қизик, бўркини зўрлаб тортиб олсанчи? Бунинг ҳеч кўрқадиган ери йўқ. Мен ундан кучлироқман. Отим ҳам чопқир».

У хаёлан дарҳол режа тузди-ю, амалга оширишни пайсалга солмади: кутилмагандан қамчинини ўйнатиб, отини савалади.

Қофқазда қамчининиг учи энили теридан бўлади. Бундай қамчи жониворни савалаганда оғриқ беришдан кўра кўпроқ шовқин чиқаради. Торлиқ уйқусираган отда секин юришни ёмон кўради. Габо худди отни югуртиришга ундаландек ҳаракат қилли. Секин юравериб зериккан жонивор эгасининг амрига тургандек, бир салгичиб олга интилди. Шунда Габо бирданига жиловни кескин тортди. Ингушнинг атрофида бир айлан-

ди. Иккинчи марта айланишда ҳамроҳига жуда яқин келди. Тиззаси паканагина отнинг думига тегиши билан оддинга энгашиб, ҳамроҳининг бўркига ёпишиди. Кейин бор кучи билан уни ўзига силтаб тортди.

Бўркнинг бўйинбоги узииди. Ингуш воқеага тушуномай, ўзига келгунча Габо илгарилаб кетди. Унинг оти адир бўйлаб елиб борарди. Габо орқасига қарамасликка қанча уринмасин, бўлмади. Ингуш кувиб келяптими-йўқми, деб қаради. Ингуш эгардан тушиб отнинг қоринбоғларини тортди. «Ўх-хў, мени кувмоқчига ўжшайди, ишлар жиддий!», деб ўйлади Габо.

Габо жониворга яна қамчи босди. У иккинчи бор орқасига қараганда ингуш отга минганди. Бироздан сўнг у ингушнинг яқинлашиб қолганини кўрди. Ингушнинг кўриниши харобгина, оти унинг келишган отидан тез чопарди. Габо ҳар гал ўгирилиб қараганда улар орасида масофа қисқариб бораверарди. Ниҳоят, у қочиб қутуолмаслигини, «ингуш бу кўримсиз от билан икки дунёда кувиб етолмайди», деб хато ўйлаганини англади.

Таъқибдан қоча-қоча кенг зовурга дуч келди. Адирдаги бу зовурни ёзда молларни сугориш учун қазишарди. Бу ерда тўпланган қор, ёмғир суви ёзи билан етарди.

Габо зовурни айланиб ўтди. Отдан тушиб, милитига суянганча рақибини кутди.

Ингуш сувга етиб келиб, отдан тушди. Қўлига милитирини олиб, қичқирди:

– Қани, биринчи бўлиб от!
– Йўқ, мен сенинг олдингда гуноҳкорман, биринчи бўлиб отмайман. Сен от!

– Сен менинг елкамдан бўркни тортиб олишга қандай журъат этган бўлсанг биринчи бўлиб отишга ҳам шундай журъат этишинг керак!

– Мен биринчи бўлиб отмайман! – Габо барча тоғлиқ каби эҳтиёткор эди. У тўклиган қон учун бир неча авлодлардан кейин ҳам қонли қасос олишларини билади.

– Ундај бўлса, менга бўркимни қайси журъат билан тортиб олганингни тушунтириб бер. Кел, яхшиси, бир нарсани ҳал қилиб олайлик: мен анчадан бери довюрак одамни қидириб юрган эдим. Ниҳоят, топганга ўхшайман: ёвлашишни қўйиб, дўст бўлайлик.

– Сен чиройли сўзларинг билан аврама! Мени ёш бола деб ўйлаяпсанми?!

– Сени алдаётганим ҳам, авраётганим ҳам йўқ. Гапимга ишон. Мен кўпдан бери сенга ўхшаган ботир йигит билан дўстлашмоқчи эдим. Мен сени жазолаш мақсадида ёки бўркимни тортиб олиш учун эмас, дўстлашиш учун изингдан қувиб келдим. Сен менга кераксан.

Ингуш самимий гапираётгани билан Габонинг унга ишонгиси йўқ эди. Шунда ингуш отнинг оёғини тушовлади. Милтири билан ханжарини ерга ташлади, зовурни айланиб ўтиб, Габо томон юрди.

Габо энди унинг самимиятига ишониб, куроллари ни ташлади. Ҳурмат юзасидан ингушга пешвоз чиқди. Яқин келгач, унинг кўзларнга тик қаради: ингушнинг нигоҳида макр йўқ эди.

Улар қиёматли биродарлар каби кўл беришишди.

– Исмим Сайд, ксаразалик Теспотнинг ўғлимани.

– Менинг исмим Габо, Тагаурсклик Явзихонинг ўғлимани.

Сайд Габонинг кўлинин дўстона маҳкам сиқиб, унга синов кўзи билан тикилди: бир қарашидаёқ юзида садоқат нурини илраб, кўнгли жойига тушди.

Кейин аста сўз бошлиди. Унинг ширали овози Габони ҳайратта солди.

– Аллоҳ Таоло ихтиёр қилган экан, биз бир-бири миз билан топишдик. Тақдиримиз Аллоҳнинг измida. Худога шукур! Мен сендай жасур йигитни узоқ қидирган эдим. Сени менга Аллоҳнинг ўзи юборди, – у Габодан кўз узмай, давом этди: – Сендек қўрқмас йигитга хиёнат бегона, содиқ дўст бўлишингта ишонаман! Биз жуда оғир замонда яшайпмиз! Аввалги

давлар ўтиб кетди. Энди ҳатто ҳамқишлоғингта ҳам ишониб бўлмайди.

Орага бир дақиқалик жимлиқ чўкли. Бу сукутни яна Саиднинг маънодор сўзлари бузди.

– Мен баъзан тунда сафарга чиқаман. Айрим хатарли ишларга қўл уришдан ҳам тоймайман. Сени топганим яхши бўлди. Бундай буёғига бир-бири мизни суяймиз.

– Мен ҳам айрим ишларга қўл уриб тураман, – деди Габо, – мен ҳамиша омад ёр бўлишини севаман!

«Ха, буни бугун менга намойиш қилдинг», – деб ўйлади Саид. Аммо бу фикрини тилига чиқармади. Бунинг ўрнига янги топган дўстини Ксаразнга таклиф қилди. Меҳмонга бориши Габога ортиқча туюлди. У қанчалик жасур бўлмасин, айни дамда эҳтиёткор ҳам эди. Габо узоқ ўйга толмади, хавотирини, ишонқира-маёттанини сездирмади. Таклиф учун миннатдорчилик билдириди. «Агар ростдан ҳам дўст бўлишни истаётган бўлсанг, аввал ўз ташрифинг билан факир кулбамни обод қил», деб таклиф этди. Саид камтаринлик юзасидан кўнмай турди. Кейин розилик бергач, икковлон отларни Тагаурск томон буришди. Бир неча соатлик йўлдан сўнг овул кўзга ташланди. Виждан азобида қолган Габо Саиддан кечирим сўраб, бўркни қайтиб олишни илтимос қилди.

Саид Габонинг узрини, айниқса, илтимосини эшишишни ҳам хоҳдамади. Уларни дўст сифатида топиштирган бугунги кундан ёдгорлик сифатида олиб қўйиншини талаб қилди. Габо бу гапга рози бўлиб, Саидга раҳмат айтгач, қалбига бир мақсадни тугиб қўйди: у Саиднинг содик дўст танлаб янглишмаганини, ҳақиқий баҳодир билан биродарлашганини яқин келажакда албатта исбот қилиб беради!

Тоғлиқ одам сезгир бўлади. У яхшиликни ҳам, ёмонликни ҳам ҳеч қачон унутмайди. Тоғлиқ ё дўст, ёки душман бўлиши мумкин, унинг учун учинчи йўл йўқ.

Тагаурск – бепоён адирга жойлашган овул. Кенг кўчанинг ҳар икки томонига осетинларнинг турар

жойлари – уйлари, боғлари, отхоналари, омборлари жойлашган. Габо билан Сайд кўчани кесиб ўтиб, бир ҳовлига бурилишди. Уларни итларнинг журиши қарши олди. Габонинг ўн олти ёшлар чамасидаги укаси Мұхаммад оёқяланг ва ялангбош ҳолида уларга пешвоз чиқиб, саломлашгач, отларни отхонага етаклади. Бўйдор, кенг елкали Мұхаммад кўп жиҳатдан акасига ўжшар эди. Унинг тимқора сочи, катта кўк кўзлари, мушаклари ўйнаб турган билаклари, кенг очиқ пешонаси, қараашларидағи магрурлик Габони эслатади.

Габонинг отаси Явзико уйдан чиқиб меҳмонга таъзим қилганича сўрашгач, уни илтифот ила меҳмонхонага бошлади.

Деворлари гилам билди безалган хонада меҳмонлар учун юмшоқ сўри ҳамда курси қўйилган эди. Улар ичкари киришгач, ўртага қўйилган оддий хонтахта билан кичкина курсичалар томон юришди. Мезбон меҳмонни ўтиришга таклиф этди. Айрим осетинлар ингушларни уччалик хуш кўришмасди. Шунинг учун Габонинг кутилмаган меҳмонни бошлаб келиши Явзикони ҳайратда қолдирди. Лекин «Габо нима қилаёттанини ўзи билади», деб ўйлаган қария ажабланганини сездирмади. Аксинча, қофқазликларга хос тавозелик ва меҳмоннавозлик билан меҳмоннинг кўнглини олишга ҳаракат қилди. Суҳбат асносида Сайдни зимдан кузатиб, ўғлининг одам танлай билишига яна бир бор тан берди.

Сайд русчасига ёзишни ҳам, ўқишини ҳам билмайди. Ингушлар яшайдиган огулларнинг биронтасида ҳам янгича мактаб йўқ. Ёшлар мулланинг измида. Ислом илми ва талаблари таъсирида тарбия топадилар. Қолаверса, қарияларнинг доимий тарзда эслатадиган ҳикматлари, тури мавзулардаги ибратли ҳикоялари ёшларга катта таъсир кўрсатади. Кечалари адирдаги гулхан атрофида, тўйларда, байрамларда қариялар қаҳрамон ўғлонларнинг қўрқмасликлари, содиқликлари, чаққонликлари ҳақида ҳикоя қилиб, ёшлар қалбида олов ёкишади. Ҳар бир ёш йигит бу

ҳикояларни эшитгач, афсонавий қаҳрамон каби бўлишга аҳд қиласди. Ингушлар ҳам барча тоғликлар каби номусни ниҳоятда қадрлашади. Ҳаёт ва неъмат – Аллоҳнинг кудрати, Аллоҳнинг инояти, Аллоҳнинг марҳамати. Аммо номус ҳар икковидан ҳам кучли. Дўстга содик бўлиш – номусни булгамасликдир. Бу кишига шараф келтиради. Ўлжани қўлга киритишдаги ўзига хос айёрик ва чаққонлик кишиларни ҳайратга солиши мумкин. Бироқ, дўст ҳақига хиёнат қилиш гуноҳдир. Дўстни алдаш, ҳатто кичкинагина ёлғон ишлатиш ҳам гуноҳ саналади.

Ёшлар бу талабларни яхши биладилар. Улар аждодлари каби қаҳрамон бўлиш орзусида юрадилар. Бу орзу ҳар бир тоғликтининг қонига сингиб кетган. Баъзан тушунмаган ёш ингушлар йўлтўсарлик, талон-тарожни қаҳрамонликка йўядилар. Лекин бунинг ҳам ўзига яраша «қонун-қоидаси» бор. Айёрик ёки алдамчилик қариндошлар, ҳамқишлоқлар, дўстлар ва меҳмонлардан ташқари барча учун кўлланилиши мумкин. Дўстини сотган одам ўзига, бутун уруғига, қолаверса, овулга шармандалик ва иснод орттиради. Бундай пасткашлика кўл урган одамга нафрат билан қарашади. Бу ишнинг охири баҳайр бўлмагани учун ҳам сотқинлик деярли учрамайди.

Ҳали-ҳали даргавсклик Мисостнинг номини нафрат билан тилга олишади. Русия ҳукуматидан мукофот олиш илинжикидаги бу хонн гулхан одидида ухлаб ётган қочоқ дўстини ўлдиргач, тавқи лаънатга учраган эди. Ака-укалари эса унинг касрига қолишиб, қонии қасоскорларнинг ўқига учрашиди. Ўри эса тузалмас дард балосидан ўлди. Уни худди яккамохов каби бир ўзи олиб бориб кўмди. Кўчада ҳеч ким у билан саломлашмайди. Шармандалик либосига ўралган, кишилар нафратига учраган Мисост ҳали ҳам ҳаёт. Худодан ўзига тинмай ўлим тилайди-ю, ўломайди. Ким билади, балки ер хоннинг ўлик жасадини ўз бағрига олишдан ҳазар қиласи...

Сайд мана шундай ҳикоялар таъсирида улгайди. Мана шу анъянавий тушунчалар билан дунёқараши

ва феъл-атвори шакланди. Халқ эхтиромидаги қаҳрамонларга эргашиш эса – унинг бирдан бир мақсади. Шунинг баробаринда Саид қалбидә Ватанига бўлган қайноқ муҳаббати ҳам бор. Қайноқ қалбли тоғ ўрлони ўз хизматлари билан, зарур бўлса ўз жони билан ҳалқига фойда келтиришни истарди. У ҳаёти йўлида яхши мактаб бўла оладиган ҳар бир одатни тан оларди. У немис-колонистлари каби овулларида қишлоқ ҳўжалик билан шуғуманишни ташкил қилишни хоҳларди. У Ватанидаги ҳар бир эрнинг содик, ҳалол, кўрқмас бўлиши учун ҳеч бир иккиланмай юрак қонини беришга тайёр. Унинг қалбидә бир ишонч нишурган: қачонлардир бутун бир ҳалқ учун фойда келтира оладиган иш қилиш имкони туғилади. Ҳозир ўша куннинг албатта келишига ишонч билан яшайди.

Саид уйланмаган. Унинг юрагини бирор гўзал забт эта олганича йўқ. У ўйинқароқ йигитлар тоифасидан эмас, уйланишга шошилмайди. У мағрур тоғ йигитлари одатига амал қилиб, оила куришдан олдин ботир киши билан ака-ука тутинишни истарди. Ниҳоят, бугун умиди ушалди: у шундай одамни топди. Габо унга ёқиб қолди. Габонинг меҳрибон, очиқ юзи, унинг беозор кулимсираши, ботирлиги, чаққонлиги, қолаверса, овулга яқинлашиш чорига виждан амрига бўйин тутиб айтган сўзлари – ҳаммаси унга ёқди.

Саид – ингуш, Габо – осетин, шунга қарамасдан улар ака-ука тутинишади. Унинг фикрича, Габо ҳам бунга қаршилик билдирамайди. Саид бу ҳақда ҳозирча индамай, Габо билан унинг қариндошларини Ксарзанга таклиф этишга, одатларига биноан, мақсадини хурматли оқсоқоллар орқали билдиришга аҳд қилди. Явзико билан гаплашиб ўтирган Саид бўлажак ишларини шу тарзда хаёлан белгилаб олди.

Габо кириб, хонтахта устига икки қишилик таом қўйди. Габо меҳмон ҳузурида, отасининг ёнида ўтириб овқат ея олмайди. Бундай пайтларда у этик ва черкасча камзул кийиб олган укаси Муҳаммад билан хизматда бўлади. Явзико билан Саид курсичаларг ўти-

ришди. Хонага Габонинг тенгдошлиари, қўшиларнинг ўғиллари ҳам киришди. Босларида папоқ. Ҳаммаси беками-кўст куромланган. Улар девор томонга тизилишиди. Шу зайдада Явзиконинг меҳмонини қутлашди.

Габо отасига озгина шароб қуйиб, тақсимчага қўй сонини қўйди. Явзико турди. Саид ҳам хурмат юзасидан ўрнидан турди. Мезбон урф-одатга кўра чап кўлида қўйнинг сони, ўнг кўлида ичимлик тўлдирилган шожни ушлаб дуо ўқий бошлади:

- Ё дунёни яратган қудратли Худо!
- Омин! – деб қўшилиши ёшлар.
- Сен ҳамма нарсани яраттанинг учун ҳам бу кеч сенга сиринаман, ўзингтагина илтижо қиласман!
- Омин!
- Оху-фарёдимизни эшигтанинг, муножотларимни қабул этганинг учун ўзингтагина шукурлар қиласман.
- Омин!
- Биз ўзингта шукур қилиб, экинзорларимизнинг ҳосилдорлиги учун, хонадонларимизга берган кут ва баракант учун, тан-жонимизнинг соғлиги учун, мамлакатнинг осойишталиги учун қон чиқариб, Ўзингнинг йўлингда қурбонлик қиласиз.
- Омин!
- Ё қудратли Худо! Менинг ноламга қулоқ тут: қабиламиз орасида бадбашара, майпараст, номуссизларни яратма! Болаларимиз қабиламиз шон-шухрати йўлида униб-ўсишсин.
- Омин!
- Қудратли Худо, энди биз азиз-авлиёларга сиринамиз. Момақалдироқ ва ёмғир ҳокими Илья, Худо олдидиа бизни ҳимоя қил: Яратган қудратли Худо экинзорларимиздаги ҳосилни селдан, ёмон об-ҳаводан, сувсизликдан асрасин. Мўлҳосил йиришириб олсак, ҳеч қачон унинг номини дилдан қўймаймиз.
- Омин!
- Ўзга юртлилардан, йўловчилардан ион-тузимизни аямаймиз.
- Омин!

– Йўловчи фақат уйимизга тинчлик билан кириб келиб, Худонинг паноҳида эсон-омон манзилига етиб олсин.

– Авалиё Георгий, жангчилар ва йўловчилар ҳомийси! Сендан сўраймиз-ки...

– Омин!

– Бу уйдан кимда ким сафарга отланса ёинки Худо йўлида савобли ишга қўл урса унга ҳомийлик қил. Ишига кўмак бер. Унинг ҳаётига таҳдид қилувчи балоқазолардан асра.

– Омин!

– Унинг номуссизлик йўлига кириб, гуноҳга ботишига йўл қўйма.

– Омин!

– Эй Худо фарзанди – Ийсои Масих! Биз сенга ишонамиз. Сен бизни у дунёда сўроққа тутасан. Биз сендан сўраймиз: бизнинг гуноҳларимиз ва камчиликларимиз баҳридан ўт. Чунки биз оми одамлармиз. Кудратли Худо эса тақдиримиз эгасидир.

– Омин!

– Э азиз-авлиёлар, Худо олдида бизга ҳомий бўлинглар.

– Омин!

– Осмону фалакдаги Худо, мен ўзингта маъқул тарзда, аъло даражада сигинишни билмайман. Аммо юракдан чиқаётган сўзларимни инобатга ол.

– Омин!..

Явзико дуо ўқиб бўлгач, Сайдга қўйнинг сонини узатди. Урф-одатга амал қилган Сайд гўштдан бир чимдим тишлаб, қолганини ўзига қайтарди.

Овқатланиб бўлишгач, Явзиконинг ўғиллари қолган таомларни йиғишириб олипди. Межмонга тамаки бериб, ўзлари овқатланиш учун ошхонага чиқиб кетишиди. Кўп ўтмай Габо қайтиб келди-да, Сайдни кўшни ҳовлига таклиф қилди. У ерда ёшлар тўпланиб, ўйин-кулгуни бошлиётган эдилар.

– Яна қизларимизга ошиқ бўлиб қолма, – деб ҳазилашди Габо йўлда кетатуриб, – Тагаурск қизларининг гўзаллиги ҳақида афсона етти иқлимга ҳам маълум.

Сайд қулиб қўйди.

– Ксарзан қизлари ҳам чакки эмас. Бир қараши юракни ханжардек тилиб юборади.

Қўшни қовли ёшлар билан гавжум эди.

Қуёш кўк ҳукмронлигини Ойга топширди. Жимирлаб юлдузлар кўринди. Ой нурлари дараҳт шоҳлари орасидан ўтиб, қомати келишган ёшларни томоша қилгандай. Бошларига папоқ, эгниларига ярашиқли черкасча камзул кийган йигитлар бир ерга тўпланиб, чапак чалиб куйга жўр бўлишади. Ой ўзининг нурли қўллари билан қора кўз, рангдор кўйлакли, соchlари узун қизларнинг гўзал юзларини силайди. Кеч ҳавоси ўзгача – ёқимли! Корачадан келган ёшларнинг бири рижжакда, бири эса гармонда завқ билан куй чалади. Оҳанг такрорланаверади. Коронгулик бағридаги овулга бу кеча ўзгача файз киргандек. Ҳатто қариялар ҳам эшик олдида ўтириб, таралаётган мусиқа, ёшларнинг қувноқ овозларига қулоқ тутадилар. Ҳаёл уларни ўтмишга етаклайди. Гўзал қиз атрофида айланиб, рақсга тушаётган куч-кувватга тўлган йигит кўз олдиларига келади. Бу серғайрат йигит хаёл суроётган ўша қариянинг ёшлиги. Ёшлар шодиёнаси уни хаёлан ўтмишга етаклади...

Сайд ҳовлига кириши биланоқ овул оқсоқоли Элбисдинг ўғли Мурод билан рақсга тушаётган гўзал Куарани кўрди-ю, ҳуши учиб, лол қолди.

Осетинларнинг рақсга тушишларини ҳеч кўрганмисиз? Шўх куй янграяпти... Қиз билан йигит ўртада, қолганлар ҳарсак чалиб куйга жўр бўлишяпти. Қиз худли ҳавода учиб юрган паридек енгил, ноз-қарашма ила ҳаракат қилади. Йигит эса оёқ учида унинг атрофида айланади. Унинг ҳаракати кескин ва жўшқин, худди суви тошдан тошга урилиб оқаётган жиловсиз төғ дарёсига ўхшайди.

Габо ўртадаги қиз билан йигитга норози қиёфада қараб, қошлирини чимирган ҳолда туриб қолди. Ўнг кўли ханжар сопини ушлаган. Сайд эса Габонинг ёнида, бу ҳовлига кирганидан бери Куарадан кўз уз-

майди. Унинг қалбида қандайдир портлаш юз бергандай. «Ана у, ана у сен излаган гўзал!», дейди вужудига яширинган овоз. Бу онда Саиднинг кўзига олам янада сирли, янада чиройли бўлиб кўриниб кетди. Ой ҳам ёрқинроқ нур сочаётгандай. Беором юраги эса тезтез тепади. Саид ён-атрофдагиларга эътибор бермай кўйди. Унинг хаёлинни фақат рақсга тушаётган қора соч гўзал ўтирган эди. Қизнинг ҳар бир ҳаракати уни маҳлиё этади.

•Менга нима бўлди? – дейди ўзига-ўзи. – Бир кўришдаёқ севиб қолдимми?!»

– Рақсга тушаётган қизнинг исми нима? – секингина сўради у Габодан.

– Куара,-дели Габо алоҳида бир меҳр билан.

– Кимнинг қизи?

– Шу уйнинг хўжайини Тселлагонинг қизи.

Муҳаммад ҳовлини кесиб ўтиб, қарсак чалаётган ёшлар даврасига қўшилди. Унинг юзлари кувончни яшира олмайди. Хонадон хўжайнининг ўғилари Гассако билан Ботирбек Габоларнинг олдига келишиди. Саид гўё ширин туш кўраётган эди-ю, мезбонларнинг келиши уни чўчишиб, уйротиб юборгандай бўлди. Габо таништирди:

– Бу бизнинг меҳмонимиз – Саид, Ксаэрсанлик Теспотнинг ўрли.

Йигитлар Саид билан Габони шарафлашгач, илтифот ила уйга таклиф қилишди. Явзиконинг меҳмонини уй соҳиби хурмат билан қарши одди. Меҳмон шаънига айтилган қадаҳ сўзларидан кейин уларни нознеъматлардан татиб кўришга таклиф қилди. Саид Муҳаммад алайҳиссалом умматидан бўлгани учун жам унга вино ичиш ман этилган эди. Шу боис бир тишлам ширин нон олиб, бир қултумгина шарбат ичиш билан кифояланди. У меҳмондорчиликни тезроқ якунланишини истаётганди. Гўё бутун вужуди ҳовлида қолган-у, бу ерда унинг суратигина тургандай эди.

Ўйин-кулгу эса давом этарди. Бир куй якунига етгач, ўргадаги йигит-қизлар четта чиқиб, даврага бош-

қалари тушадилар. Саид билан Габо ҳовлига қайтишганда навбатдаги рақс тугаган эди. Ўйин-кулгуни бошқарып турған Гассако Сайдга яқинлаши-да, меҳмонни синглиси билан бирга рақсга тушишга таклиф этди. Кейин «Меҳмон билан рақсга туш» дегандай Куарага бош иргаб күйди. Куй янгради. Куара уялинқираганича қизлар даврасидан ажралиб чиқди-да, давра бўйлаб оёқ учida енгил, кушдай сузib айланади. Чиройи ҳар қандай гўзал маликани лол қолдирувчи бу қизнинг рақси ҳам ўзгача эди: ҳаракатлари мағрур, шу билан бирга нозли. Қизнинг айрим дугоналари у билан фахрланадилар. Айримлари эса ҳасаддан куядилар. Йигитлар эса маҳлиё...

Саид эса кўзлари хумор бу гўзал атрофида рақсга тушяпти. У рақсга тушиб ҳеч қачон мана шундай лаззат олмаган. У қиз атрофида чаққон айланади. Куара эса унинг қалбидан отилиб чиқаётган сассиз нолалирига парво қилмайди. Париваш қиз мағрур «сузишда» давом этади. Йигит бундан аччиқлангандек ер тепиб тескари қарайди. Кейин гўё дил розини айтаётгандай қўлларини қиз томон узатади.

У бир вақтлар дўстларидан эшитган ажабтовур аҳволга тушди. Қалбини қандайдир олов куйдира бошлади. Саид қизнинг бир нозли қарашига шу тобда жонини беришга ҳам шай эди. Бунинг учун у ҳар қандай буюк ишга ҳам, ҳар қандай қурбонликка ҳам тайёр. Унинг хаёлини фақат бир сўз қамраб олган: «Севаман! Севаман!». У худди туш кўраётгандай қиз атрофида айланаверди. Хушини тамом йўқотай деганда Куара унинг аҳволини билгандай бирдан тўхтаб, эглиб таъзим қилгач, бир неча қадам орқага тисарилди. Бу рақс тугаганига ишора эди. Саид бундан ўзини йўқотиб қўймади. Товоnlарини уриштириб, ўнг қўлини папогига кўйди-да, қизга миннатдорлигини билдириди. Кейин Куара қизлар даврасига қўшилгунча олижаноблик юзасидан кутиб турди. Сўнгра ёшларга қаради-да, куйга жўр бўлишгани учун, папогини олиб, таъзим қилди.

Бу кече күп қыз ва йигит ўртага тушди. Аммо Сайд ўйинга бошқа құшилмади. У турган ерида қызлар даврасидаги рангдор күйлакли қызға тикилғани-тикилған. Қандай жозибали! Бошини мәррүр тутишини-чи! Ўртоқлари билан гаплашғанда бунча чиройли кулмаса! Қалдирюч қош остидаги бу күзларда қандай сеxр бор!

Явзиконинг уйига қайтишгач, Габо уни ётөкқа кузатиб, ечинишига ёрдам берди. Кейин хайрли тун ти-лаб чиқиб кетди. Сайднинг уйкуси келмади. Унинг күз олдидан қад-қомати келишганс гүзәл Куара кетмай қолди. У күлига бахт күши күнганинга, бу күшгә эга бүлганинга амии эди. «У меники!», деб ўйлайди у. У ўзининг Теспот ўғли эканинга қандай ишонса, бунга ҳам шундай ишонади. Қыз севгисига сазовор бўлишига нега ишонмасин? Габо унга тутинган ука бўлгач, пайт топиб Куара билан холи учраштиради. Агар қизнинг қариндошлари, акалари бахтига тўғаноқ бўлишса, қизни олиб қочади, тамом вассалом!

Сайднинг хәели ана шу ўй-режалар билан банд. Эрталабга яқин унинг күзига уйқу илинди. Шунда ҳам тушида қорасоч, рангдор күйлакли мәррүр гүзәл унга тинчлик бермади.

Эрта билан Сайд Ксарзанга жўнади. Отга миниш олдидан Явзико билан Габони дўстлари ва қариндошлари ҳамроҳлигига уйига таклиф этиб, бу азизларнинг кутлуғ қадамлари туфайли ғарип кулбаси обод бўла-жагини алоҳида таъқидлади.

Явзико билан Габо бу таклифни миннатдорлик билан қабул қылдилар.

Габо меҳмонни кузатиш мақсадида отига минди. Сайд йўл-йўлакай таклифини қайтариб, лутфларини рад этмай, албатта боришлигини тайинлади, интиқ-лик билан кутажагини уқдириди. Габо боришга ваъда бериб, ярим соатлик йўлдан сўнг дўсти билан хайрлашди.

Уч кундан сўнг Явзико билан Габо энг яқин дўстлари, қариндошлари ҳамроҳлигига Ксарзанга йўл олди-

лар. Сайд уларни эшик олдида мамнунлик ила кутиб олди. Отларни күшнининг икки ўғлига бериб, меҳмонларни уйга бошлади. Меҳмонлар шарафига берилгувчи зиёфатта Сайд овулнинг хурматли кишиларини ҳам таклиф этган эди. Уй хўжайини Муҳаммад алайҳиссалом умматидан бўлгани учун хонтахтада вино ҳам, чўчқа гўшти ҳам кўринмасди. Меҳмонлар уйда тайёрланган кўлбола шарбат ичишли. Осетинлар меҳмон мартабасида кекса ингушлар ёнидан жой олишган. Ёшлар эса хизматда.

Сайд уй соҳиби сифатида дуо ўқиб, Аллоҳ таолонинг қудрати ва меҳрибонлиги ҳақида ваъз айтди. Меҳмонлар ваъз шарофатига ўринларидан туриб, қадаҳларини бўшатишиди. Сўнг бир қари ингуш Явзико ва унинг ўрли учун қадаҳ кўтарди. Явзико бу лутфга жавобан ўрнидан туриб уй хўжайини ва оила аъзолари шарафига қадаҳ кўтарди. Шундан сўнг қора черкасча камзул кийган, оппоқ соқолли, озғингина қария ўрнидан турди. Бу Сайднинг қариндошлиари ичida энг кексаси – Аҳмад. У тагаурсклик мәҳмонлар сорлиги учун, Явзиконинг қариндошлиридан бири эса шу ерда ўтирган ксарзанликлар сорлиги учун қадаҳ кўтарди.

Қадаҳ шу тарзда кетма-кет бўшайверди. Ҳар сафар ҳамма туриб, тантанавор сўзларни эшишиб қадаҳ бўшатишиади. Габо ёш бўлгани учун сўз айтмади.

Ниҳоят, яна Хатшашнинг ўрли Аҳмад ўрнидан турди.

– Инсонга қувонч берувчи ҳар бир нарса Аллоҳнинг марҳаматидир. Худога минг қатла шукурким, Одам Ато фарзандларига яшаш ва дэжончилик учун ер, эрка ва севимли фарзандларига эса Қоғқазни берди. Төвлар бағрига қимматбаҳо тошлар билан олтинни яшириб ётибди, ўрмонларимиз қушларга, кийикларга, қўтосу қоплонларга бой, сувларимиз балиқларга тўла, адирларимиз яхши ишлов берган одамдан ҳосилини аямайди. Төвларимиз қанча бойликка эга бўлмасин, бир хазина қадрли ва бебаҳолир. Бу хазинани отабоболаримиз – жойлари жаннатда бўлсин – бизга қалб-

126 Узбекистон
ИЕР. № 332044¹⁷

да авайлаб-асраш ва болаларимизнинг қон-қонига сингдиришни мерос қилиб қолдиришган. Оталаримиздан қолган яхши анъана бор: одамлар қасам ичиб ака-ука тутинишади. Мана шу тоғлар қад күттаргандан буён номус ва содиқликни қадрлаган одамлар Аллоҳ таоло марҳамати билан ака-ука тутиниб, бошига қулфат тушса ёинки бирор нимадан зориқса бир-бирига ёрдам берадилар. Улар қасам қадаҳи ичишган. Ҳар бир инсон ўзидан кўра кўпроқ ишонса бўладиган ака ёки ука қидирган. Агар ана шундай одам топишса, авваламбор, маслаҳат ва кафолатнома сўраб, оила катталарига мурожаат қилишган. Бугун кечқурун ҳам шундай бўлди. Теспотнинг ўғли Саид мендан Габо Явзико ўрлининг у билан бирга қасам қадаҳини ичишга розилигини сўрашни илтимос қилди. Габонинг чаққонлиги ва ботирлиги Саидга ёқиб қолибди. У Габонинг қалбida қанча мардлик ва шиҷоат бўлса, шунчак номус ва содиқлик борлигига амин. Орқаваротдан эшитган гапларимизга қараганда, Саид Габони танлаб тўғри иш қилган. Габо, Саидга тутинган ука бўлишингни сўраймиз.

Ҳамманинг нигоҳи Габога қаратилди. Габо бу таклифни кутмаган эди. Шунинг учун ноқулай аҳволда қолди. Уни бу аҳволдан отаси кутқарди. Явзико туриб, ўрлининг уялинқирагани учун ўтирганлардан узр сўраб, Саиддай – бир одамнинг фарзандига тутинган ака бўлиши билан гуурланишини билдириди. У ўрлининг бу таклифни жон-жон деб қабул қилишини истарди. Аммо қасам – муҳим, аҳамиятли иш. У икки одамни бутун умрга бирлаштиради. Шу сабабли ўйлаб бир холосага келиши учун ўғлига то эрталабгача муҳлат беришларини сўради.

Зиёфат шу зайдада тугади. Овул аста оқшом огушида қолди.

Чироқлар ёқилди. Ёшлар рақсни бошлаб юбориши... Икки ёш куй чаляпти. Саид ўзини ўйин-кулгудан тортиган. Уй хўжайини эканини баҳона қилиб ҳеч бир қиз билан рақсга тушишини истамайди. Лекин Габо тор-

тинмай ўртага тушди. Ҳолбуки, унинг хаёли ҳам Тагарскда. У ҳали ҳам бир нарсани ўйлайди: Саиднинг ботир йигитларга хос ўзини тута билиши унга ёқиб қолган. Аммо қасам ичиш – бу катта гап! Шундайку-я, бироқ, агар тутинган ака қидирган тақдирда Саиддан яхшироқ одамни топа олармикин? Ҳа, ҳа, у қасам ичишга рози бўлади!

Эртасига пешинда Аҳмад қариндошларини бошлаб келди. Яна кечаги ўринларга ўтиришди. Саид фотиҳа ўқиди. Кейин Аҳмад туриб, Габодан Саид билан ака-ука тутинишга розилигини сўради.

Ҳамма Габонинг жавобини кутарди. У турди:

– Аввало, мұхтарам отахонлар, бизни деб шу ерга келганинглар учун раҳмат. Саидга ҳам раҳмат. Саиднинг мени укаликка сўраганидан фахрланаман. Мен у билан қасам қадаҳини бўлишиб ичишга тайёрман. Саиднинг тутинган укаси билан фахрланадиган дараҷада яшашимга, қасамга содик бўлишимга Худонинг ўзи ёрдам бергай. Номусни жонимдан юқори қўйишимда, то сўнгги нафасимгача укалик бурчимга содик қолишимда Яратганинг ўзи куч ва ирода бериб, марҳаматини аямагай!

– Омин! – ҳамма бир овозда уни қўллади. – Қасамингта содик бўлиб қолишингта Аллоҳнинг ўзи кўмак бергай!

Энди Саид – Теспот ўғли ўрнидан турди.

– Габо, менга ука бўлишга розилик берганинг учун миннатдорман. Бугун ичажак қасамимга содик бўлишимга Аллоҳнинг ўзи најжот бергай. Бизнинг тақдиримиз энди бирлашди: сенинг ғаминг менинг қайғум, сенинг қувончинг – менинг шодлигим, менинг уйим – сенинг уйинг, менинг ака-укаларим – сенинг ора-иниларинг!

– Омин! – ҳамма бир овоздан дуо қилиб, унинг қасам сўзларини кувватлади. – Аллоҳнинг ўзи қасамингта содик бўлиб қолишингта кўмак бергай!

Аҳмад Хатшаш ўғли туриб төғ шарбати тўлдирилган қадаҳни Саидга узатди. Саид қадаҳга олтин танга

ташлади. Сүнг Аҳмад дуо ўқигач, икки одамнинг то ула-ўлгунча бир-бирига содик бўлишларига нажот беринини Аллоҳдан сўраб, қадаҳни Габога узатди. Габо қисқагина дуо ўқиб, у ҳам умрининг охиригача қасамга содик ҳолишида Худодан нажот сўради. Дуодан сўнг ичимликдан бир култум ютиб, Сайдга узатди. Сайд ўнг қўлида қадаҳни ушлаб, то қабрга киргунича Явзиконинг ўғлига содик бўлишида Яратгандан нажот тилади.

—Агар мендан заифлик устуналик қилиб сотқинлик ҳақида ҳатто ўйлагудай бўлсан, менга кувват бер, бугун даргоҳингда қабул қилаётган қасамни бузмасликка нажот бер!

Сайд қадаҳдан бир хўпилаб яна Габога берди. Габо охиригача ичгач, олтин таңгани олиб, яшириб қўйди. У бу таңгага қўй сотиб олиб кейинги сафар Сайд қариндошлари билан уйига борганида сўйиши керак эди.

Сайд билан Габо шу зайдада тутинган ака-ука бўлишиди.

Кечқурун Сайд Габони адирда сайр қилишга таклиф этди. У ҳари нок дарахти олдига бориб, унинг пойида азиз-авлиёларга сириниб, Куарани хотинликка сўрамоқчи эди. У қалбидан Куара ёқиб қўйган севги оловида қовурилаётганини Габога айтиб бермоқчи эди. Габо қандай қилиб бўлса ҳам уни Куара билан яқинлаштириши керак.

Улар кенг овл қўчасидан жимгина ўтиб боришиди. Атроф кимсасиз бўлса ҳам, Сайд бу ерда юрак розини айтишдан ийманди. Адирга чиққач айтарман, деб ўйлади. Овуддан чиқишаётганда Габо сўз бошлади:

—Сайд, сен энди менинг тутинган акамсан. Сендан яширадиган сирим йўқ. Ҳеч кимга ишонмаган сўзларимни биринчи бўлиб сенга айтаман. Сайд, мен уйимнинг бекаси бўла оладиган қизни топдим.

«Мен ҳам», деб ўйлади Сайд. Унинг кўз олдига рангдор кўйлакли маррур гўзал келди. Унинг севги шаробидан маст бўлган қалби қизга интилди.

– Мен уни кўпдан бери севаман, – деб давом килди Габо, – шу кизни деб баъзан кечалари ўлжанинг пайига тушаман. Мен унинг маликалардан аълороқ яшаши учун шароит яратиб беришм керак.

«Куара ҳам меникида ана шундай шоҳона шароитда яшайди», ўйлади Саид.

– Мен хазина тўплаб, кўмиб қўйганман.

– Қаерда? – деди Саид. У нимани сўраганинн ўзи ҳам билмасди. Ҳаёlinи қорасоч гўзал ўғирлаган эди.

– Билиб қўйганинг яхши. Хумча олтин – кумуш, қимматбаҳо тоцларга тўла. Агар мен уларни қазиб олишга улгурмай ўлсам, сен уни топиб, ота-онам, хотинимга рамхўрлик киласан.

Габо хазина беркитилган жой қаердалигини билдириди.

– Сен айтганингдай қиласан, – деди Саид, кейин кўшиб қўйди, – Аллоҳ сенга тани-соринқ бериб, умрингни узок қилгай.

Улар овул аҳли муқаддас ҳисобловчи дарахтга етиб келишиди. Юз ёшли бу баҳайбат дарахтнинг шоҳлари тарзакайлаб ўсиб кетган эди. Ризоятларга кўра, унинг шоҳлари орасида азиз-авлиёлар руҳи яшармиш. Улар ҳатто бедаво касалнинг уругини куритишга ҳам қодир эканлар. Дарахтга дусосиз яқинлашган одамнинг ҳолигавой. Дарахт сурхини кесиб олиб кетмоқчи бўлган одамнинг ҳолган умри рам-андужда ўтади. Кимда-ким пайрамбар алайҳиссалом номини дуога қўшиб ўқигач, дарахт соясида ўтириб нокдан еса, унга ҳеч қандай бало кор қила одмайдиган бўлали. Дарахтга юзлаб жониворларнинг шоҳлари илиб ташланган. Бу овчиларнинг иши. Улар эрталаб омад тиаб азиз авлиёларга ёлворадилар, кечкурун эса оғизинг барорини бергани учун шукроналик белгиси сифатида шоҳларни илиб кетадилар. Касалдан ёки бирор ташвишдан кутилган одам эса Яратганинг ўзига шукур қилиб, латта-путталар боғлаб кетади.

Шу ерда тўртбурчак деразаси жанубга қараган, тошдан ишланган мўъжаз мақбара ҳам бор. Аввалмари майитларни шу ерга кўмишарди.

Габо мақбарага яқин келиб, ичига қаради.

– Кўрқинчли жой, – шивирлади Сайд.

Бу ерга жуда кўп мурдалар қўйилган. Девор томонларда тобутларнинг айримлари чириб, нураган: одам суяклари кўриниб туриди.

«Қочоқнинг беркинишига мос жой экан», шивирлади ўзига-ўзи Габо.

Сайд илоҳий дарахт ёнига яқинлашди. Бўркини ерга ёзид, тиз чўкди-да, пешонасини тез-тез саждага қўйиб, «Мени Куарага етиштир», деб Аллоҳга ёлворди.

– Гўзалимга етиштир, тутинган укам менга ёрдам берсин. Аллоҳим, мени ўзинг ҳимоя қил!

Сайд турди. У иажотта ишонар эди. Бу онда у хотиржам ва баҳтли эди. Ҳатто хаёлан уйда хўжалик ишларини бошқараётган Куарани кўрди.

Сайд илтижосини ниҳоясига етказди-да, кутиб турган дўсти ёнига келди. У айни дамда ўзини ниҳоятда саодатли ҳис этди, назарида қуёш ҳам одатдагидан бошқачароқ эди. У Габо билан қасам қадаҳини ичди. Энди унинг ботир, номусни ҳамма нарсадан юқори кўювчи тутинган укаси бор. У қўшниси Куара билан учраштиради.

«Бахтимга етишишимга нима қаршилик қиласиди?», хаёлан сўрайди у ўзидан.

– Сайд сендан илтимосим бор эди, – унинг хаёлини Габо бўлди, – икки-уч кундан сўнг вақт топиб бизнекига бор. Тутинган акам сифатида отам билан бирга кўшнимиз Тселлагоникига чиқиб, Куара билан мени фотиҳа қиласизлар.

Сайд лол қолди. Кимдир унинг бошига гурзи билан ургандай гаранг бўлди. Кўз олди қоронгилашди. Дастрраб у Габонинг сўзларини фаҳмлай олмади. Зўр қийинчиликлар билан ўзини ушлаб, босиқлик билан сўради.

– Куара рози бўлармикин?

– Ҳа! – Габо баҳтиёр жилмайиб, Сайдга узукни кўрсатди, – Буни Куара тақдим қиласиди. Совчи юборишимга ҳам розилик берган.

Сайднинг қалби қоп-қора тун оғушида қолди. Унинг ҳаётини безаб турған нарсаны Габо бир сүзи билан тортиб олди. Қалбини чиң-чиң парчалаб юборди. Куарага бўлган севгиси тинчлик бермаётган қалбда унинг гўзалини тортиб олаётган одамга – тутинган укаси Габога нисбатан нафрат уйғонди. Йўқ, у биринчи куни бўркини тортиқ қилгандай, Куарани ҳам шундай бериб қўя қолмайди!

Шамол саҳродаги қумларни тўзитганисимон, Сайднинг хаёли оламида ҳар хил аламли фикрлар сузуб юарди.

«Ханжар билан бир мартагина урса бўлди. Унинг гўзал Куарасини тортиб оловчи одам йўқ бўлади», дейди унга шайтон васваса қилиб.

Бу фикридан Сайд кўркиб кетди. Ранги оқарди.

«Бугун ичган қасамимга содиқлигим шуми? Йўқ, йўқ, Габо ҳеч қачон Куарани севишмидан хабар топмайди!»

У секингина деди:

– Яхши, мен фотижа тўйинига бораман.

Сайд уйга кўнгли чўккан бир аҳволда қайтарди. Унинг қалби энди аламдан, ғамдан ёнарди. Шундай бўлса ҳам ўзини тутиб Габога сир бой бермади, холи қолишни истади.

Уйга келишганда Тагаурслик меҳмонлар қайтишга ҳозирлик кўриб қўйишганди. Сайд уларни кузатиб қўймади. Одатга хилоф бўлса-да, шу топда кузатишга курби етмасди. Майли, одамгарчилиги йўқ экан, дейишса дейиша қолсин.

– Габо, мени кечир, сени кузатиб қўя олмайман.

Меҳмонлар кетишгач, Сайд хонасига кириб ичдан кулфлаб олди. Қайғу-аламини ичига ютиб, ўз ғамига ўзи қовурилиб ётди.

Унинг қалбидаги муҳаббатни ҳеч кутилмаганда укаси тортиб олди. У эса... укасига ханжар кўтаришини ўйлади-я!

Парчалangan муҳаббат қийногига виждан азоби ҳам кўшилди. Биринчи куниёқ қасамни бузишига оз қолди.

Йўқ, буни ҳеч қачон кечиролмайди! Саид бу гуноҳи учун ўзини-ўзи жазолаши керак!

Тагаурскка, фотиҳа тўйига боради. Кейин Куаранинг маликалардай шоҳона турмуш қуриши учун Габога кўмаклашади. Габо ўзи билмаган ҳолда акасининг қалбини жароҳатлаб кўйди. Саид бундан кўп азоб чекса-да чидайди.

Бир неча кундан сўнг Тагаурскка, фотиҳа тўйига борди. Куара билан Габони фотиҳа қилиб қайтди. Шундан сўнг Саид индамас бўлиб олди. Кеч кириши билан юраги орзиқади. Тунлари уйқусиз. Кўз олдида узун қора сочли гўзал гавдаланади, холос. Уни ҳаяжон қамраб олди. Унинг қаршилеккан, кўмиб куйган мұхаббати яна бош кўтараётган эди. Саид титраб кетди. Кўз олдида Куара гавдаланиши билан укасига нисбатан номуссизлик қилаётгани учун виждони уни айблай бошларди. Мана шу уйқусиз тунларда ўзига-ўзи савол берарди:

«Азиз-авлиёлар нима учун арз-додимга қулоқ солишмади? Нега мен азоб чекяпман? Ахир қариялар умматнинг ҳар бир оху-фарёдини пайғамбар инобатта олади, деб ўргатишар эди-ку. Наҳотки...» Унинг хаёли шу ерда узилди. Бошқа нарсаларни ўйлаб гуноҳга ботищдан кўркди.

У онасининг «сенга нима бўлди?» деган саволидан қочишига уринаверди. Аммо кампир ўғлининг қалбини қандайдир ғам тимдалаётганини сезди.

– Сен ўзингни бир нима билан овутсанг бўларди...
балки отда сайр қилассан...

Саид итоаткорлик билан рози бўлди.

– Яхши, бир айланаб келаман.

Унинг дардли овози яширин ғамини ошкор қалиб қўйди.

Оқшомда отини эгарлаб, адирга чиқиб кетди. Қуёш уфқни гўё ёндириб, қизартириб турибди. Унинг хаёлига бирдан ҳалқининг кўҳна қўшиғи келди. У беихтиёр қўшиқ айта бошлади. Унинг назарида қалбидағи бутун ғам адир бўйлаб таралаётган мана шу майин қўшиқ билан чиқиб кетгандай бўлди:

*Шамси анвар магрибда,
эглиб ерга:
Ўзи билан баҳтимни
Олар қабрга.
Оғар гүлгүн осмон ҳам
Кўрсатиб сеҳр,
Сақлагандим сен учун
Қанчалар меҳр.
Тонгла қуёш қайтадан
Нурин сочадир,
Аммо мендан истиқбал
Хануз қочадир...
Бутун борлиқ қоронгу
Бамисали қабр...
Ҳам йўқотиш, ҳам ҳасрат
Йўқлик ва жабр!*

Кўшиқ тугагач, у отини елдирди.

Отнинг тез югуришими ёки кечнинг салқин ҳавоси
сабаб бўлдими, йигитнинг қалбицаги қубор тарқади.
Кўзларидан яна жўшқинлик учқунлари сачради.

Сайр пайтида у Александровка станицасидаги ка-
закларда жуда кўп хўқиз борлигини билди-ю, Габо
билан яқин кунлар ичida бир баҳтини синаб кўришга
аҳд қилди.

Эртасигаёқ Саид Габонинг уйига келди. Муҳаммад
отни отхонага етаклади. Габо дўстини уйига таклиф
қилди. У Саиднинг нима учун келганини сезди. Бир
ишин бошламоқчи бўлганини пайқади. Аммо ҳеч нарса
сўрамай, меҳмонга таом тайёрлашни буорди. Таом
тайёр бўлгунча боққа чиқишиди. Бу ер тинч, иш тўғри-
сида бемалол гаплашиб олиш мумкин.

– Куннинг ажойиблигини қара! – деди Саид Габога
қора кўзларини тикиб. – Кечалари бундан ҳам гўзал –
қоп-қоронғу!

– Ҳа, кечалар қоронғу, аммо ўз йўлини биладиган
одам учун ёп-ёргуғ, – деди Габо.

Улар жим қолишиди. Сукутни Саид бузди:

– Бу йил Александровка станицасындағи казаклар-
нинг ҳұқизи жуда күп.

– Шундай дегин... – Габо акасининг мақсадини дар-
ров тушунди: – қайси күнни мұлжаллаяпсан?

– Бугун тунда чиқылса ҳам бўлади.

– Яхши. Бир ўзингмисан?

– Ҳа.

Габо ўйланиб қолди.

– Мұхаммадни ҳам олсакмикан? Еш бўлса ҳам чақ-
қон, оғзи ҳам мақкам.

– Яхши, ўзинг билан бирга ол. Ҳұқизлар Терек дарё-
сининг бу қирғозда адирда ўтлаб юрибди. Мен улар-
ни кечқурун кўрдим.

– Подачилар кўпми? – қизиқсинди Габо.

– Тўрт киши.

– Уларни танимайсанми? Қанақа одамлар экан?

– Гулханнынг ёруғида кўзим сал-пал илради. Мен
уларни аввал от бозорида кўрган эдим. Чўпонларнинг
бири қари майпараст Андрюша, яна биттаси хотин-
ларнинг ишқивози Вания, Трофим деган калтафаҳм
тентак билан яна бир бола ҳам бор.

– Режа тузиб қўйғандирсан? – сўради Габо.

– Йўқ, мен ўлжаннинг қайси томонга қочишига қараб
иш кўраман.

Габонинг хаёлига айёrona бир режа келди.

– Сайд, агар рухсат берсанг, менда бир режа бор,
шунга қараб иш кўрсак. Албатта, мен ёшман, сенинг
олдингта тушиб, сенга ақл ўргатишга ҳаққим йўқ.
Бироқ, ўйлашимча, бу ишни осонгина дўндириш мум-
кин.

– Айтавер, биз ака-укамиз-ку, айбга ўрин йўқ.

– Мұхаммад қызыларнинг кийимини кийиб олади, –
давом этди Габо, – бу ишни менга қўйиб беравер, ке-
йин ўзинг қойил қоласан.

– Яхши. Ўша ерда шароитта қараб бир нарса қилас-
миз.

– Соат тўққизда йўлга чиқамиз, – Габо шундай деб
режасини тушинтира кетди, – Александровкагача йи-

гирма беш чақирим. Энди бориб ёт. Бу кеча ухлашга вақт бўлмайди. Муҳаммад билан гаплашиб олиб, мен ҳам ётаман.

Саид дам олиш учун уйга кирди. Габо эса эндиғина меҳмоннинг отига ем бериб бўлган укасининг ёнига келди. Муҳаммад одатдагидай оёқ яланг, дагал бўздан тикилган иштони чарм камар билан белига маҳкам боғланган. Кўйлаги ҳам ўша матодан. Тугмалари қадалмаган. Қуёшда қорайган кўкраги кўриниб турибди.

– Муҳаммад, бугун кечкурун сени ўзим билан олиб кетаман, – деди Габо.

Муҳаммаднинг кўзларида, беғубор юзларида қувонч порлади. У акасининг баъзи-баъзида кечалари чиқиб кетишини биларди. Аммо ҳалигача бир марта ҳам акаси уни ўзи билан олиб бормаган эди.

– Ҳозир отларни ўтлоққа ҳайдаб, кўз-кулоқ бўлиб тур. Кейин казак қизларининг рўмоли билан кўйлагини топиб, тутунчага ўраб кўй. Ўзинг билан олволасан. Аммо билиб кўй: бу ишни ҳеч ким сезмаслиги керак. Қоронгу тушиши билан эгарни олиб борамиз. Ўзинг учун кулранг отни ўтлоққа олиб чиқ.

– Хўп бўлади.

Муҳаммад буюрилган ишларни акасининг кўнгли тўладиган даражада қойилмақом қилиб бажариш иштиёқида ёнади. Тўғри, у қизларнинг кўйлаги нима учун керак бўлишини тушунмай турибди. Шундай бўлса ҳам сабабини сўрамади. Акасининг ўйламай туриб бир иш бошламаслигини у яхши билади.

Габо бир оз бўлса ҳам дам олай, деб ётди. Бу пайтда Муҳаммад бор оралаб ўтиб, туйнукдан қўшнининг ҳовлисига чиқди. Пастаккина сомонхонада икки казак аёли ухлаб ётарди (Кўшниси уларни йигим-теримга ёрдам берсин деб ёллаган). У саройга ўринича кириб, юбка билан катта рўмолни олди-ю, шарпа чиқармай изига қайтди.

Бу ўғирлик бир дақиқанинг ичида содир бўлди. Девордаги туйнук билан отасининг борига ўтиб олгач,

ентил тортди. Тутунчани опхонага, хашак орасига бер-
китиб кўйгач, учта отни ўтлоқда ҳайдади. Отларнинг
оёқларига қофқазча темир тушов ургач, кийиниб ке-
лиш учун уйига ошиқди. Дағал бўздан тикилган иш-
тонини ечиб, кенг, кўм-кўк, пастки қисми болдирига
таранг тортилган шим, юмшоқ теридан тикилган,
кўнжи тиззасигача чикувчи, пошинасиз, таги юмшоқ
этик, ёқасига тилларанг чилвири тортилган сариқ, пеш-
мат камзул, унинг устидан кўкрагига кумуш ўқдан
тизилган черкас қора камзул кийиб, белига кумуш
ханжарни осди. Бошига палоқ кийди. Акасининг
ёнида ҳамроҳ бўлиш бу ўсмир наздида қувончли бай-
рам ҳисоблангани учун астойдил тайёргарлик кўриш-
дан эринмади.

Ер юзига оқпом чодир ташлаганда Мұхаммад Габо
 билан Саидга таом келтирди. Уйда Явзиқо бўлмагани
учун Саид билан Габо бирга овқатланди. Мұхаммад
хизматда бўлди. Кейин ўзи овқатланди.

Габо уйидагиларга Александровск казакларининг
хўқизларини Ксаэрсанга ҳайдаб келиш учун Саид би-
лан кетаётганини, ўлжанинг бир қисмини бекитиқча
сўйиб, бир қисмини тоқда яширажагини айтиб, шо-
шилаётгани сабабли отасини кутолмаслигини билди-
ди.

Низоят қоронғу тушди.

Габо иккита эгарни елкасига ташлаб, овулнинг қоп-
қоронғу кўchasига чиқди. Мұхаммад ўзининг эгари
 билан тушов ва арқонларни олди. Саиднинг ёши улур,
шу билан бирга межмон бўлгани учун ҳеч нарса кўтар-
мади. Учовларида ҳам милтиқ, тўппонча бор эди.
Овулдан билинтирмай чиқиб олишди. Отларни қий-
налмай топишди. Улар Мұхаммад ташлаб кетган ерда
туришарди. Жониворларнинг оёғидан тушовни ечиб,
эгарлаб, учовлари ҳам бир вактда сакраб минишди.
Саид ўртада, Мұхаммад кичик бўлгани учун ўнгда,
Габо чап томонда. Ҳаво тоза. Атроф зим-зиё қоронғу
 бўлганидан отлар йўлни топиб юриш учунми, бошли-
рини эгиб олишган эди.

– Мұхаммад, – деди Габо бирдан укасига қараб, – сен қызларнинг кийимини кийиб олғинда, Ваняниң бошини айлантириб, бир амаллаб даврадан ажрат.

– Сен уни ўлдирасанми? – деб сүрәди Мұхаммад.

– Бу унинг ўзига боғлиқ. – жавоб берди Габо. – Қилиқ құлмаса, тирик қолади.

Орага яна сукунат чүқди. Тун... Фақат от туёқларининг юмшоқ ерга теккан заиф товуши эшитилади. Кутылмаганда құзғалған кучли шамол булуғтарни парча-парча қилиб юборди. Осмонда юлдузлар қўринди. Уларнинг кучсиз титроқ нурлари замин сатхини ёритишига ожиз. Сайд отини елдирди. Ака-укалар унга эргашишди. Улар баланд-паст адир бўйлаб анчагина йўл босишли. Сайд йўл кўрсатиб борди. Икки соатлардан сўнг Сайд эҳтиёткорлик билан секинлашди. Казакларнинг қишлоғи яқин қолган эди. Ярим соатларча шу зайилда юришгач, у тўхтади.

Узоқда олов қўринди.

– Бу подачиларнинг гулхани, – деди Сайд.

У яшириниш учун пастқамгина жой танлаб, отларга қарашни буюрди. Мұхаммад устидаги кийимларни ечиб, қызларнинг либосини кия бошлади. У черкасча камзули билан куролидан бир дақиқа ҳам ажралгиси келмас эди. Шу боис иштонининг устидан юбкани кийиб, кичик рўмол билан жағини танриб, катта рўмолнинг учларини елкасига ташлади.

– Мұхаммад, – деди Габо, – Гулханга яқинлашгинда, Ваняга кўриниш бер. Агар сени ушламоқчи бўлса, қоч. Ноз-карашма қилиб, уни chalgitaver. Аммо гаплашма. Уни шу томонга олиб келаверасан. Биз сени мана шу тепалик олдида кутамиз.

Мұхаммад қоронғулиқда гулханни қўзлаб юриб кетди. Гулханга яқинлашгач, учрашувга кетаётган нозаниндай юриш қилди. Йигитча гулхан атрофига келиб қарасаки, подачилардан бири ухлаб ётибди, учтаси эса гаплашиб ўтирибди. Атрофда элликтача ҳўқиз ўтлаб юрибди. Баъзилари ётиб олган.

Мұхаммад гулханга яқын келиши билан икки ит вовиллаб, унга ташланди. Лекин подачилар бақиришиб, итларни қақириб олишди.

– Сенга нима керак? – деб сүради Ваня.

Лекин «қыз» рўмолининг учини айлантирганича жавоб бермади. Қора мўйловли, чиройли казак – Ваня ўрнидан туриб у томонга юрди. Ўн олти ёшлардаги Митя эса унга эргашди. Лекин Ваня унга қараб бақирди.

– Ҳой итвачча, менинг орқамда нима бор? Қарабтур, сенга кўрсатиб қўяман.

У шундай деб таҳдид қилганича муштини кўрсатиб қўйди. Митя қўрқиб гулхан ёнига қайтди. Трофим яна мудрай бошлаган эди.

– Ванянинг ўйнашларидан бири келибди, – деди Митя Трофимга. – Оҳ, оҳ, аммо хотинлар бобида жуда омади келганда...

– Ҳа-ҳа, хотинлар... – кулади Трофим кейин лабини чилпиллатиб қўйди-да, оловга яқын ўтирди.

Бу пайтда Ваня мўйловини бураб нотаниш гўзалга яқинлашиб сўради:

– Яхши қиз, кимни қидиряпсан?

«Қыз» ишва билан кулиб юзини яширди.

Ваня яқинроқ келди, «қыз» эса орқага чекинаверди.

– Қўрқма, қизлар мени севишади, мен уларнинг кўнглини ололаман.

У «қыз»ни кўздан кечирди. «Қыз» жуда гўзал, қомати келишган. Уни қаерда кўрган экан? Ҳеч эслай олмади.

– Кимсан, яхши қиз?

«Қыз» ҳиринглаб кулишини кўймайди.

– Ахир гапирсанг-чи, нега келдинг? Кимни қидиряпсан?

Шунда «қыз» уятчанлик билан шивирлади:

– Ваня...

Бу сўзни подачи хотиржам эшита олмади. Унинг қони қайнаб, «қыз»га ташланди. Маҳкам қучоқлаб, лабини унинг лабига босди. «Қыз»нинг гўштдор лаби

илиққина эди. Аммо ўнг құли билан ушләтган күкраги ҳали қаттық эди.

— Ҳали жуда ёшга ўхшайды, бирорнинг құлиға тушмаган бўлса ҳам керак,— деб ўйлади Ваня.

Лекин тунги меҳмон шашт билан унинг бағридан юлкиниб чиқиб, югуриб кетди. Ваня ҳам унинг орқасидан қичқирганича югорди.

— Нега қочяпсан? Ахир Ваняниң олдига келдингми? Бирпас ўтирайлик. Мен қандай ўпа олишимни кўрсатаман.

Сайд билан Габо унинг овозини эшишиб, ўша томонга эмаклашди.

— Сайд, у қичқиришга улгурмасин. Сен томогидан ол. Мен қўлларини ушлайман.

Муҳаммад тепаликка келиб тўхтади. Чукур-чукур нафас олди. Акаси билан Сайднинг шу яқин орада эканини биларди. Ваня Муҳаммадга етиб олди. Бироқ «нозанин»ни кучоқлаб, лабларини қидириб топмасдан Сайд унинг томогига шундай ёпишдики, бечора ошиқ гинг дейишга ҳам улгурмай қолди. Габо осмондан тушгандай пайдо бўлиб, бақувват қўллари билан унинг қўлини сикди. Муҳаммад эса энгашиб, Ваняни чалиб йиқитди. Бунинг ҳаммаси қўз очиб юмгунича содир бўлди. Хеч ким бир оғиз сўз айтмади. Ваня ерда ётар, Сайднинг қўллари ҳали томогини қўйиб юбормаган эди. Ваня хириллай бошлади.

— Тезроқ бўл, — деди осетин тилида Габо укасига. — Оёғини маҳкам борла. Мана шундай... Энди қўлини... йўқ, бундай эмас. орқасига қилиб... Қани уни ағдарчи, томогини қўйиб юборма, — огоҳдантирди Сайдни, — яна бўриб ўлдириб қўйма... мана шундай... Энди бечора ошиқни кўтарамиз. Мана бундай ўтирсин.

— Хўш, Ваня, — давом этди Габо. — Энди менинг айтганларимни сўзсиз бажаришинг керак.

У ханжарини чиқариб, учини Ваняниң томогига тиради. Томогига ўткир тиғ тегиб Ваня чўчиб тушди.

— Томогини қўйиб юбор, — деди Габо Сайдга. — Кўрдингми Ваня, ким шилталик қилиб, қизларнинг

орқасидан югурса, шу ахволга тушади! Лекин сен биздан кўркма. Биз каллакесар эмасмиз, агар ўзлари ажал чақиришмаса, биз бекордан бекорга одам ўлдирмаймиз.

– Агар айтганларимизни қилсанг, тирик қоласан, – деб гап қўшди Саид.

– Нима қилишим керак? – деб сўради Вания, жонҳолатда.

– Аввал менинг саволларимга жавоб бер! Агар алдасанг, ҳолингта маймуналар йиграйди. Бугун тунда нечта подачи қолгансанлар?

– Тўртта.

– Бошқаларнинг исми нима?

– Андрюша, Трофим, Митя.

– Андрюшанг мастми?

– Йўқ, ухляяпти. Бугун ичмади.

– Сенга эргашган бола ким?

– Митями? Ҳали гўдак-ку?

– Ёнидаги-чи?

– Униси тентак Трофим-ку! Хавотирланманг, сизга қаршилик кўрсатмайди. У гапга кирадиган одам. Нима буюрилса итоат билан бажаради. Шунинг учун доим уни ўзимиз билан олиб юрамиз.

– Яхши. Энди... Митяни чақир.

– Митя! – қичқирди Вания.

– Қаттиқроқ чақир.

– Митя!

– Нима дейсан? – гулхан томондан эринибигина жавоб берди бола.

– «Бу ёқقا кел» деб қичқир, – деб буюрди Габо, кескин оҳангда.

– Бу ёқقا кел! – деб бақирди Вания итоаткорлик билан.

– Нимага? – бола эриниб, ўрнидан кўзролгиси келмади.

– Бу ёқقا кел итвачча! – деб сўкинди Вания.

Ғашланиб ўрнидан кўзролган Митянинг яқинлашибиши кўриниб турарди. Гулхан ёруғида унинг қоп-қора

гавдаси кўзга ташланарди. Габо Муҳаммаднинг бошидан рўмолини чаққонлик билан олиб, Ваниянинг оғизига тикиди.

– Хўш, – тантанавор оҳангда деди Габо, – буниси-нинг бизга зиёни тегмайди. Энди кичкинани ҳам шундай жимгина жойлаш керак.

Бу орада Митя яқинлашиб қолди.

– Вания қаердасан? – деб қичқирди у.

Жавоб бўлмади.

Сайд боланинг орқасига ўтди. Муҳаммад олд томондан эмаклаб яқинлашди. Дақиқа ўтмай Митя ҳам Ваниянинг аҳволига тушди. Унинг ҳам қўл-оёқларини боғлаб, Ваниянинг ёнига ётқизишиди.

– Тўхта, тўхта! – деди Габо укасига, – Миямга ажо-иб фикр келди. Юбкангни ечиб, Митяга кийдир. Ахир Вания қизларнинг кўйлагини кийган болани яхши кўради-ку!

Вания билан Митяни ўринларидан турғазишдиларда, болага казак қизининг юбкасини кийдирдилар. Уларни қўллари орқага борланган, юзма-юз, кўкраги кўкрагига тегадиган ҳолда қўйиб, катта рўмол билан иккала бошни тангриб, бирлаштириб қўйишиди.

– Хўш... Энди нимани истасанглар шуни қиласверинглар. Хоҳласанглар сайдрга чиқинглар, хоҳласанглар турган ерларингда рақсга тушинглар, хоҳласанглар роҳатланиб ётаверинглар.

Митя ҳиқиллай бошлади. Орият азобидаги Вания эса бу хўрликка чидай олмай ғазаб билан бирғилади. Бечора ўсмирни ўзидан нарига улоқтириб юбориш қасдиди силкий кетди. Бу ҳаракатдан баттар гангиб, ўзини йўқотган йигитча беижтиёр унинг оғини босиб олди. Буни рақибнинг ҳамласи деб анлаган Вания ўша заҳоти Митянинг тўпирига теңди. Бир-бирига борланган икки казак шу тарзда бир-бирини телиб, чала кетди. Уларнинг бу ҳаракатларидан уч томошабин мириқиб завқданди. Ниҳоят, талваса рақсига тушаётган Вания билан Митя мувозанатни сақлай олмай ерга қулашди.

— Агар казаклар эртага буларни шу ахводда топишиң, ичаклари узилгунча кулишади. Қани, энди бошқаларнинг одига кетдик, — деди Габо.

Трофим гулханга тикилганча ўтирибди. Андрюша эса ухлаяпти. Трофимнинг қаршисида икки куролланган киши худди тун бағридан отилиб чиққандай пайдо бўлди.

— Кўлингни кўтар! — Габо секин, аммо қатъий буйруқ қилди.

Барча подачилар каби Трофимнинг ҳам миљтири бор эди. Аммо у бошқалар отса ёки буюрсагина миљтигини ишга соларди. Шу сабабли бу сафар миљтиқни ишга солишга ҳаракат ҳам қилмай, итоаткорона кўлинни кўтарди. У нотаниш одамларга қараб анҷайиб қолди: улар ким, нима керак?

— Агар бақирсанг, ахволинг чатоқ бўлади. Ахир биз приставнинг кўриқчисимиз-а! У бизни ҳўқизларни ҳайдаб келишга юборди. Приставнинг ҳўқиз гўштини яхши кўришини билмайсанми?

Трофим ҳеч нарсага тушунмай сўради:

— Ростданам пристав юбордими?

— Ҳа, эртага эрталаб сўрашса, ҳўқизларни приставнинг кўриқчилари, полиция ҳайдаб кетди, деб айтасан, — деди Габо.

— Тушундингми? — деб дўқ урди Саид.

— Ҳа, тушундим, — деди Трофим довдираб, — ҳўқизнинг кўриқчилари...

— Ҳўш, энди кўлингни орқага қил, — буйруқ қилди Габо. Трофим гапга тушунмай иккиланиб қолди. Шунда Габо унга яқин келиб, елкасига туртди:

— Кўлингни орқангга қил!

Караҳт ахволга тушиб қолган трофим бу сафар буйруққа итоат билан бўйсунди. Уни боғлашди. Андрюша эса ҳамон бамайлихотир ухларди.

Габо билан Саид унга яқин келишлари билан адирда дайдиб юрган икки пахмоқ ит уларга ташланди. Саиднинг қиличи итларни бир зумда тинчитди. Бири гулхан олдида жонҳолатда типирчилаб қолди, иккин-

чиси яраланиш азобидан акиллаб, тун бағрида ғойиб бўлди.

Андрюша шовқин-сурондан уйғониб кетди.

– Нима гап? – деб сўради у гарангсиб.

– Тинчлик, отахон, ҳеч гап йўқ, – деди Габо унинг тумшугига тўўппонча тираб. Андрюша қўрқиб, ўзини орқага ташлади.

– Пристав подачилар яхши ишляяптими йўқми, деб бизни текширишга юборди. Сени ухлаб қолганинг чатоқ бўлибди.

– Ахир...

– Жим бўл! – бақирди бор овози билан Габо, – йўқса кекирдагингни узиб ташлайман. Сайд, қўлини орқасига қилиб маҳкамроқ боғла, кейин... – Габо ниманидир қидириб қолди. Кейин кичкина бочкача топиб унга узатди. – Мана буни бошига кийдириб қўй. Паст томонидан иккита тешикча очиб қўй. Қани арқонни ол-чи! Хў-ўш... арқоннинг учини оёгининг орасидан ол, яхши, энди бир учини бочкага боғла... Хў-ўш... ана энди хоҳласанг рақсга тушишинг ҳам мумкин. Факат тик тур, яна гулханга ўтириб олма.

– Кўрдингми, Андрюша. Бу сенга мактаб бўлади. Энди вазифангни унтутиб, гулхан ёнида ухламайсан, – деди Сайд.-Муҳтарам бошлиқларимиз юқори вазифаларни эгаллаган одамларнинг тарбияси ҳақида мана шунаقا қайгурадилар.

Габо эрталаб бўлажак воқеаларни ўйлаб, хаёлан кувонди. Зап иш бўлдими, иккитасини бир-бирига боғланган ҳолда топишади. Мана бу иккитаси ҳўқизларни полиция ҳайдаб кетди деб турса...

Муҳаммад отларни олиб келгунча, Сайд билан Габо ҳўқизларни бир жойга тўпладилар. Тез орада подани ҳайдаб, изларига қайтишди. Ҳўқизлар ҳар томонга тарқаб кетавергани учун секин юришди. Сайд гугурт ёкиб, соатига қаради.

– Габо, ярим тун бўлай дебди. Подани Ксаразнга ҳайдаб улгурмасак керак. Тағаурскка ҳайдасак иима дейсан?

– Сен нима десанг шу-да, фақат тезлаштириш керак.

Габо Саид билан Мұхаммадни пода билан төрүмөнларига юборишига, хұқизларнинг бир қисмини қишлоқдаги дүстлариникига яширишига, бирини ўзи учун сүйишга қарор қилди. Тонгда Тағаурскка етиб келишди. Саид билан Мұхаммад тұхтамай, қирқтача хұқизни тоққа ҳайдашди. Габо қишлоқ оқсоқоли Элбисдиндің үйретди, сүнгра эшик олдидә турған бузокнин ҳадя сифатида қабул қилишини сүради.

– Александровск казакларининг хұқизларини ҳайдаб олиб кетишибди. Эрталаб подачилар бу ишни приставнинг қўриқчилари қилган дейишади, – деди укулимсираб. – Агар кимда-ким Тағаурскка келса меникига юборинг. Майли, тинтуб үтказишсин. Бу иш фақат Явзиконинг ўғли Габонинг қўлидан келади, деб айтинг.

Оқсоқол нима дерди: унинг кўнгли тўқ, ўз улушини олди.

Габо қолган хұқизларни қўшниларга бир-бир тарқатди. Кўшнилар бундай тонгги совранинг ниманинг англашибини сўзсиз тушунишади. Габо семиз хұқизни отаси ёрдамида сўйиб, терисини дўкондорга сотди. Гўштини ошхона томондаги пичан орасига яширеди.

Эртасига эрталаб, хұқизларнинг ҳайдаб кетилгани маълум бўлгач, станица ҳаяжонда қолди. Дастреб босига бочкача кийдирилган Андрюшани, кейин Трофимни топишиди. Улар хұқизларни ҳайдаб кетгандар «биз приставнинг қўриқчиларимиз» дейишганини айтишди. Казаклар Вания билан Митяни кўриб, ўзларини кулгидан тўхтата олишмади. Кўпол ҳазил қилишди. Ҳатто бу воқеадан сўнг кўп йиллар ўтганидан кейин ҳам ана шу кеча ҳақида сўз кетса Вания разабга келарди.

Ваниянинг айтишибига қараганда, қароқчи Габо бўлиб чиқди. Бундай масхарабозлик фақат Габонинг қўлидан келади. Унинг бундай қиммишлари овулдан таш-

қарыда ҳам маълум. Унинг услуби шунақа. Бироқ, ҳеч ким уни айблай олмайди. Доим сувдан куруқ чиқади.

Казаклар шу заҳоти пристав Николай Петрович олдига йўл олишди. Улар Трофим билан Андрюшанинг гапларини айтишди. Айниқса, приставнинг ҳўқиз гўштига ишқивозлиги ҳақида сўз кетганда унинг кўзларн ғазабдан ёнди. Казаклардан бири Ванянинг тагаурсклик осетин Габодан гумони борлигини айтгач, пристав шу бугуноқ тинтуб ўтказишга қарор қилди.

Пешинда пристав казаклар билан Тагаурскка йўл олди. У тўғри оқсоқолникига келиб, кечаси Александровка казакларининг ҳўқизларини ҳайдаб кетилганини айтди. Оқсоқол чукур уф тортиб, ёшларнинг бебош бўлиб кетишгани, замон нотинчлигидан нолий кетди. Пристав унга синовчан қараб, «гумонинг кимдан?» деб сўради.

– Агар қароқчи бизнинг овуллик бўлса, бу иш фақат Габо Явзико ўрлининг қўлидан келади, – деди оқсоқол ишонч билан.

– Ҳа, мен ҳам шундай деб ўйлаган эдим.

Казаклар билан оқсоқолнинг ҳамроҳлигига пристав Габоникига келди.

Габо отаси билан ҳовлида турарди. Приставни қўриб у томон югурди-да, етиб бориб, таъзим қилди.

– Габо! – деди пристав қатъий оҳангда, – Александровкаликларнинг ҳўқизлари қани?

– Александровкаликларнинг ҳўқизлари қаерда дейсизми? – худди тушунмагандай сўради Габо, – Менимча, улар Александровкада бўлса керак.

– Уларни ўғирлаб кетишибди! – пристав ғазабдан ўзини тутиб туролмади. – Уларни сен – шайтон ўғирлагансан!

– Жаноб пристав, – деди Габо ҳақоратланган киши овози билан, – Мен ўгри эмасман. Гуноҳсиз бир одамдан гумонсирашга ҳаққингиз йўқ. Майли, қидиринг, тинтинг. Барибир ҳеч нима топа олмайсиз.

Шу топда казаклардан бири приставга ердаги қондорини кўрсатди.

– Бу қон қаердан келди? – сүрали пристав.
– Онам товук сүйибдилар – деди Габо хотиржам-
лик билан. – Кеча меҳмон бор эди.

– Ким?

– Ксаңзанлик Сайд Теспот ўғли.

– У ҳам олғир йигит, муттаҳамликда сендан қолиш-
майды, – деб минирләди пристав, – уни ҳам құлға
олиш қийин... Казаклар! Уйни, отхонани тинтиб чи-
қинглар!

Шундай деб буйруқ бергач, Габога қаҳрли нигоҳи-
ни қадади:

– Бугун кечаси қаерда эдинг?

– Қаерда бұлардим... күрпа ичида. Уйда бұлғаним-
ни гувоҳлар тасдиқлашлари мүмкін.

Казаклар уйни, ошхона, омборхонани тинтиб, хұқыз
гүштидан асар ҳам топа олишмади. Кейин отхона то-
монга юришди. Габо уларга эргашди. Улар томдаги
пичанни ерга отишаётганда ҳам ҳаяжонини билди-
мади.

– Тұхтанглар-чи, – деди Габо, – ўзларингизни урин-
тириб нима қиласылар, мен ўзим ташлайман. – У том-
га чиқиб, қолган пичанни беркитилган гүшт билан
күттарди-да, пастта ирғитди.

– Ҳар бир бурчакни яхшилаб қаранг, – деди прис-
тав.

Ховли ўртасидаги гүшт яширилган пичан уйимига
хеч ким эътибор бермади. Казаклар пастта тушишди.

– У ерда хеч нима йўқ.– дейиши приставга.

Пристав хеч нимага тушунолмай, Габога қараң
ўйланди.

«Наҳотки ростанам бу нобакор гуноҳсиз бўлса?».

Габо унга яқинлашиб, жилмайди:

– Мана кўрдингизми, жаноб пристав. Ҳеч нарса-
дан ҳеч нарса йўқ мени ранжитдингиз. Уйимизда тин-
туб ўтказдингиз. Нима сабабдан мендан гумонсира-
дингиз?

– Мен эмас, ўзингнинг оқсоқолинг гумонсираяпти.
– деб ўзини оқлади пристав.

– Шундай денг! – Габо ранжигандай бўлиб, оқсоқолга норози қиёфада қаради. – Гуноҳсиз овуддошингизни айлашга қандай ҳаддинги сиёди? Сиз бизни қоралаш эмас, ҳимоялаш учун оқсоқол бўлгансиз!

У кўзлари ёниб, оқсоқолнинг ёнига келди.

– Бу сафар гуноҳсиз бўлганинг билан менга бақиришга ҳаққинг йўқ! – деди оқсоқол ундан юзини ўтириб.

– Бу сафар денг, – бақирди Габо ва унинг елкасидан ушлаб, ўзига қаратди. – Бу ҳақорат! Мени қачон ўғрилик устида ушлагансиз, қачон?!?

У жаҳл билан ханжарига ёпишиди.

Пристав уларни ажратиб кўйди. Бироқ, оқсоқол билан Габо ўртасидаги жанжалдан шодланди. У разаб билан айтилаётган гаплар орасида ўзига керакли бирор нарсани билиб олишдан умидвор эди.

Лекин Явзико бу томошага айёрлик билан барҳам берди. Приставни казаклар билан бирга ўз нон-тузини тотишга таклиф қилди. Пристав ноз қилмай, рози бўлди. Уни меҳмонхонага бошлишди. Оқсоқол билан уй хўжайини унинг кўнглини овлаш билан машгул бўлишиди.

Казаклар чекиб, лақимлашиб ошхонада ўтиришиди.

Габо пичан орасидаги ҳўқиз гўштидан бир неча бўлак кесиб олиб онасига келтириб берди-да:

– Онажон, сели қотмаган гўшт приставнинг жифилдонини қитиқлади. Қассобдан насияга олиб келдим...
– деди муғомбирлик билан.

Габо чаққон-чаққон ҳаракатлар билан нозик меҳмоннинг кўнглини овлади. Пристав олдига кўйилган сочиқ орасида ҳадя борлигини англаб, ҳеч кимга сездирмай, пулни олиб чўнтағига урди. Бунақа иззатикромга кўп дуч келгани учун «бундан маҳсад нима?», деб сўраб ҳам қўймади.

Явзико меҳмон олдига икки хумчада ажойиб осетин пивосини қўйди. Бу ҳам приставнинг кўнглини юмшатишга кўп ёрдам берди.

Овқатдан сўнг у Габони чақирди.

— Менга қара Габо, айтайлик, бутун сен билан нотур-ри муносабатда бўлдик. Ҳа, сенинг айбинг йўқ. Ҳамма гуноҳ бизда. Пристав ҳам гоҳида янгишади. Лекин мендан бир нарсанни яширмас: ҳўқизлар қаерда? Мен буни пристав сифатида эмас, меҳмонинг сифатида сўрайпман. Гап иккаламизнинг ўргамизда бўлади. Мен сенга жазо бермайман. Таъқиб ҳам қилмайман. Фақат менга ҳўқизлар қаердалигини айт.

— Жаноби пристав, — жавоб берди Габо айёrona жилмайиб, — агар ҳўқизлар тирик қолган бўлса ўрмонда юргандир. Аммо уларни ҳеч ким топа олмайди. Жаноб пристав, қовурдоқ қалай, ёқдими?

Пристав бир сукуттина тошдек қотиб қолди. Кейин шундай ҳоҳолаб кулди-ки, кўзларидан ёш чиқиб кетди.

— Йўқ, Габо, сен...сен ҳақиқий товламачисан, ҳийлагарсан! Қаранг-а! У бизни ўзимиз қидирган гўшт билан сийляяпти-я! Яхши! Лекин мен казакларга айтаман. Габо, айт-чи, гўштни қаерга яширган эдинг? Биз излаб тополмадик-ку?

— Нима ҳам қила олардим? Жаноб пристав, яна бир қидириб кўринг, — деди кинояли кулги билан Габо.

Айбдорларни топа олмаган пристав шу куниёқ казаклар ҳамроҳлигига қароргоҳига қайтди.

* * *

Габо билан Куара энди куёв-келин. Тсемлагонинг уйида бўлган фотиҳа тўйида қалин миқдорини келишиб олишди. Тўй тез орада, янги йил кириши биланоқ бўлиши керак эди. Габо Куарадан беш ёш катта. У қизни болалигидан билади. Фақат мана шу Курагина овул қизлари ичидаги Габонинг юрагида севғи ўтини ёқишига муяссар бўлди. Габо қизни болалиқдан яхши кўради. У болалигига Куара билан бирга ўйнарди, ҳатто қизга тахта бўлакларидан аравача ясад берган, Куара бу аравачада қўйирчогини солиб ўйнаб юарди.

Куара ҳам бу баҳодир йигитни севади. Габо қиз учун тенгсиз бир қаҳрамон, айни чоғда кўркам ва ажойиб

йигит. У жуда кўп йигитларнинг таклифини рад этди. Гўзал ва мағрур Куара ишқидаги жуда кўп йигитлар қалб азобидан кўп оҳ чекдилар!

Тагаурск оқсоқолининг ўғли Мурод ҳам ана шу кўйга тушган жабрдийдалардан эди. Албатта, у сиртдан қараганды қизга жуда мос эди. Отаси ўзига тўқ, хурмати зўр одам. Ўзи оиласининг орзу-умиди, якаю ягона ўғил. Мурод бўйдор, аммо сочи тўкилаётган, бурни катта, беўхшовроқ йигит эди. Уйда ота-онаси ҳаддан зиёд эркалаб юборганидан ўз хоҳишига жуда эрк берган. Мурод Куарадан рад жавоби олишга ақли етгач, уни олиб қочиш режасини тузди. Куаранинг Терпско исмли амакиваччаси бор. Камбарал бу йигитнинг кўнгли жуда-жуда бўш. Мурод турли совра-саломлар билан унинг кўнглини овлади. Муродга унинг кўмаги шу кунларда сув билан ҳаводай зарур эди. Муроднинг фикрича, қизни олиб қочиб, номусига теккандан сўнг, Куарани ҳеч ким олмайди. Шунда унинг оиласи Муродни куёв қилишга мажбур бўлади.

Габо Муроднинг Куарага кўнгли борлигини биларди. Шу ўринда Куаранинг фақат ўзи, Габони севишига ҳам қаттиқ ишонарди. Унинг мағрурлиги, рақибидан ҳар томонлама устун эканига ишончи Куарани Муродга рашқ қилишига йўл бермасди. Бироқ, Куаранинг яқинида Муродни кўриб қолгудай бўлса, барибир аччири чиқарди.

Куара билан Габонинг фотиҳа қилиниши Муродни режасидан қайтара олмади. У Габонинг довругидан ҳам, ҳайбатидан ҳам унча қўрқмасди. «Менинг ханжарим ҳам униқидай ўткир», – деб ўйларди. У Терпскога суюнса бўлади. Терпско ҳозир Муродга яқин дўст бўлиб қолганидан хурсанд. Бироқ, Мурод унга режасини гапириб берганда Терпско аввалига қаршилик билдириди. Бу иш унинг назарида оиласига хиёнат, қисқаси, абллаҳлик бўлиб туюлди. Синглисини тузоққа тушириб, унинг бахтиқаролигига сабабчи бўлишни истамади. Лекин Мурод бир-икки гап билан унинг иккиланишини пучга чиқарди. У шундай қила-

дики, қариндошлари тутул ҳатто Куаранинг ўзи ҳам икки дунёда Терпсконинг Муродга ёрдам берганини сезмайди. Бу соҳада Муроднинг тайёр режаси бор: Терпсконинг бирдан-бир қиласиган иши – Куарани расмiga тушишга кўндириш-у, суратхонадан бир ўзининг чиқиб келишини таъминлаш. Қолганини Муроднинг ўзи қотиради.

Куара ғойиб бўлиши билан Терпско бу ҳақда Тагурска хабар бериши керак. Бу орада эса мўлжалдаги иш амалга ошган бўлади... Муроднинг айтишича, шу зайдада Терпско унинг яқин қариндошига айланади! Йигит киши учун ахир бу фахрли-ку! Бу муттаҳам, қароқчи Габонинг ҳаёти бир кунмас бир кун ёмонлик билан битади. Терпско сал иккиланса-да, барибир кўнгандай бўлди. Ўзининг аралашуви сир сақланишига кафолот берилгач, кўнгли бироз тинчиди. Мурод унинг бутунилай рози бўлмаётганини сезиб ҳал қилувчи зарба берди: у Терпскога фақат Владикавказдагина тошиладиган кумуш ҳоли ажойиб эгар ваъда қилди. Мурод Терпскода шундай эгар олиш орзуси борлигини, лекин ҳамёни қуруқ эканини биларди. Ниҳоят, Мурод ғолиб чиқди. Терпско узил-кесил рози бўлди. Қўл беришишиди. Куаранинг эса боши устида тўпла наёттан бало булатларидан хабари йўқ. У Габога бўлган муҳаббатидан маст, тўйга тайёргарлик кўрарди. Бир куни амакиваччаси Терпско ундан куёвтўрага қандай совра-салом тайёрлаётганини сўради. Куара Габо учун рўмолчалар тикиб қўйганини, дастаси олтин ранг иплар билан безатилган қамчин тайёrlаганини айтди. Терпско унга фотосуратини совфа қилишини таклиф этди-да:

– Сен бундан бўлак яхшироқ совра қилолмайсан, – деб таъкидлadi. Бу фикр Куарага ёқиб тушди. Терпско уни шаҳарга кузатиб боришга тайёр эканини айтгач, ноз қилмай рози бўла қолди.

– Ҳа, айтмоқчи, Ботирбек ҳам шу кунлар ичida шаҳарга тушмоқчи эди-я, – деб аҳдини қатъийлаштириди.

Бу гап Терпского ёқмади. Лекин Ботирбекнинг боришига қаршилик билдиришга қўрқди. Киз хавфсираб қолиши мумкин эди. «Қандайдир баҳона билан Ботирбекдан албатта ажralиши керак», деб ўйлади у. Улар келаси душанба куни шаҳарга боришга келишишди. Терпско усти ёпиқ извош топишни ўз зиммасига олди-ю, келишув ҳақидаги хабарни шу куниёқ Муродга етказди. Бу хушхабардан кўнгли тўлган Мурод тайёргарликни тезлатиш мақсадида шаҳарга кетди. Кўп ўтмай Владикавказда Терпско ҳам пайдо бўлди. Улар келишиб олинган соатда муюлишда учрашишди. Бир неча извошчилар билан гаплашишди. Бир-бирига жуда ўхшаган тўрт гидиракли икки извошга дуч келишгач, уларнинг биринчиси билан Терпско келишишди. У извошга учта оқ от қўшилиши шарт эканини, уч кишини Тагаурскдан олиб келиб, яна қайта олиб бориб қўяжагини айтиб, келишиб олишишди. Мурод иккинчи извошни ҳам худди шу кунга тайинлади. У ҳам извошга учта оқ от қўшишни таъкидлади. У извошчига шу куни шаҳар кўчаларида кўринмай, ҳовлида тоққа чиқишга тайёр туриши кераклигини айтди. У манзилни аниқ айтмади, Владикавказдан ўттиз чақирим наридаги Алагир қишлоғига бориши шартлигини ҳозирча извошчининг билиши лозим эмас эди. Шу боис Мурод қирқ чақиримдан зиёд йўл босилмасликларини айтиб, извошчини хотиржам қилиш учун олдиндан саҳийлик билан пул тўлаб қўйди.

Мурод Тагаурскка қайтиб келгач, шу ишга ёрдам бермоқчи бўлган яқин дўстларидан бири Садулни Алагирга юборди. Садул бориб Муроднинг амакиси Сосани огоҳлантириб қўйиши керак эди. У Муроднинг душанба куни гўзал қиз билан келишини, ноғуси булранган қизни оиласи турмушга узатишга кўнмагунча яхшилаб яшириб қўйиши шартлигини айтди.

Соса топшириқни эшиттач, бир оз ўйлаб, мулоҳаза қилди-да, ҳаммаси жияни айтгандай бўлишини уқдириб, «кўнглини хотиржам қиласверсин», деб қўйди.

Шанба куни Габо Владикавказга бориб, Куара учун қидира-қидира энг чиройли олтин камар, осетин қизларининг кўйлагини безайдиган ўнта қимматбаҳо тўғнағич сотиб олди. Энг узун тўғнағич юқорига тақилиб, кўкрак устини безайди. Қолганлари пастга кетма-кет қадалади. Энг кичиги белдан сал юқорига тақилади. Тўғнағичларга ўрта асрга хос Осиё суратлари билан безак берилган эди.

Якшанба куни тушдан сўнг Габо зеб билан кийниб, ёнига Муҳаммадни олди-да, Тсемлагонингуйига борди. Муҳаммад ипак қоғозга ўралган совғаларни кўтарди. Тсемлаго уларни кутиб олиб, бўлажак куёвни меҳмонхонага бошлади. Габо хонтахта устига қимматбаҳо тужфаларни қўйиб, қаллиғига совға қилиш нияти бор эканини айтди. Бу безаклар Куара ҳусну жамоли олдида арзимас эканидан хижолатда эканини билдириб, бундан зиёдроқ қимматбаҳо нарса келтирмагани учун узр сўради. Шаҳардан қидириб топганлари шугина эди. Тсемлаго эса бу зийнатларга ҳайрат билан бокарди – ўзича чамалаб кўриб, бу буюмларга олти юз сўм нарж қўйди. У Габога миннатдорчиллик билдириб, куёвга кўриниш бериш учун ясанаётган Куарани чақиргани чиқди. Қиз тез орада чиқди. Оддий кийинган, аммо гўзал Куара Габога жилмайиб боқиб, кўл берди. Габо аввал ўнг қўлинин папоғига қўйиб таъзим қилди-да, Куаранинг нозик қўлинин ўзининг ўнг қўлига олиб сиқиб кўйди. Муҳаммад ҳам бўлгуси келинойисининг қўлинин ушлаб кўришни истар эди. Аммо Габонинг жиддий қаровчи кўзлари уни эшикка имлади. Муҳаммад бу ерда ортиқча эканини тушуниб, нокулайлик билан таъзим қилиб чиқди. Ҳар нечук қуруқ қолмади, Куара унга бир жилмайиш ҳадя этди.

Габо билан Куара фотиҳа тўйидан кейин илк бор бир ўзлари қолишибди. У қизнинг белидан кучиб ўзига тортди. Қиз қаршилик билдирамай ўз баҳтидан, муҳабатидан маст бўлиб унинг кенг кўкрагига бошини қўйди. Габо чап қўли билан унинг бошини кўтариб

гўзал юзига, чиройли кўзларига тикилди. «Ҳам гўзал, ҳам ақдли, ҳам меҳрибон», деб ўйлади у. Габони баҳт шароби мағрур этди: шу гўзал қиз унинг қаллиги!

– Куара, – деб шивирлади у, кейин бошини эгиб қизнинг юмшоқ лабларидан бўса олди, маҳкам қучди. Қизнинг назарида, ўзи шу топда ҳимоясиз, жуда кичкина, жуда нозик эди. Шу билан бирга йигитнинг қучорида ўзини айтиб бўлмас даражада баҳтиёр ҳис этарди. «Агар хоҳлаганимда ҳам унинг қучогидан кутилиб чиқа олмасдим», деб ўйлади қиз. Бу ёқимли қучоқдан кутилиб чиқишни орзу ҳам қилмасди. Бу чайир билаклар оғушида маст бўлиш унинг учун энг буюк саодат эди. Ўз ихтиёридан чиқиш, ўзини севганига тўлалигича топшириш, муҳаббат чўрисига айланишдан ўзга истаги йўқ эди.

– Габо! – деб йигит елкасига қўлинни қўйди-да, унинг кўзларига тўйиб боқиши учун ўзини сал орқага ташлаб. Икковлари ҳам бир неча дақиқа сукутда қолишиди.

– Габо, – деди у жилмайиб, йигитга бошдан оёқ кўз ташлаб. – Мен сизни ҳар вақт севардим. Мен ҳеч қачон сиздан бошқа одам билан турмуш қуришга рози бўлмас эдим.

Киз унинг юзларини силади.

– Габо, мен сизни севаман. Фақат сизни!

– Куара, – деди Габо қасамёд этаётган киши овози билан. – Мен ҳам сени севаман. Фақат сени ўйлайман. Менга сендан бўлак қиз ёқмаган. Куара, Худонинг ўзи сени менга баҳтим учун яратган.

– Куара! – у қизнинг бошини икки қўли билан ушлаб, унинг кўзларидан, пешонасидан, юзларидан ўпди. Ниҳоят, уни қўйиб юборди. – Куара, бир-биrimизни севишсимиз қандай яхши!

Бу орада уйга қизнинг онаси Дандана кириб, патнисда май тўла кичкина қадаҳ билан ширинлик қўйди. У баязи бир нарсаларни кўрди, сўнгти сўзларни ҳам эшилди. Эшилди-ю, ёшлик кезларини эслади:

«Тселлаго ҳам мен билан худди шу зайнада гаплашар эди» – деб ўйлади у енгил энтикиб.

– Бу ажойиб зийнатлар учун Габога раҳмат айтдингми? – деб сўради у яна совғаларга ҳайрат билан бояшиб.

– Йўқ! – қизарибгина жавоб берди Куара. – Мен ўзим учун энг қимматли бўлган соврага маҳлиё бўлиб қолибман.

Душанба куни эрталаб Тагаурскка тўрт ўринли, учта оқ от қўшилган извош келиб тўхтади. Извошчи бир яrim соат мобайнида отларга дам бергач, соат тўққизларда Куара Ботирбек ва Терпско ҳамкорлигида шаҳарга йўл олди. У миллий кийимда эди. Кўйлаги устидан Габо совға қилган қимматбаҳо безакларни тақиб олганди, бошига эса қора соchlарини яшириб турувчи оппоқ тўр рўмол ўраганди.

Улар шаҳарга эсон-омон етиб келишди. Извош сураткашнинг уйи олдида тўхтади. Куара акалари билан биргаликда учинчи қаватга кўтарилди.

Терпско Мурод билан Садулнинг шу яқин орада эканини биларди. Келишувга мувофиқ, улар кузатиб туришлари, Куара акалари билан уйга кириши биланоқ, извошчининг ҳақини тўлаб, жўнатиб юборишлари керак эди. Шундай бўлди ҳам. Извошчи тунов куни Терпско билан Муродни бирга кўргани учун ҳеч нишадан гумонсирамади. Кира ҳақидан ташқари чой пулини ҳам олгач, қувонганича жўнаб кетди.

Бир неча дақиқадан сўнг Садул учта оқ от қўшилган извош билан пайдо бўлди-да, Куаранинг чиқишини Мурод билан бирга кута бошлади.

Муродга ёрдам бериш мақсадида келган амакиваччалари Пўлкан билан Пиэтрко эса эшикдан кўз узмай кўчанинг у бошидан бу бошига бориб келишарди.

Бу орада Терпско сураткашга сирли оҳангда бир неча сўз айтди. Суратни олиб бўлгач; ёш йигитни («Терпсконинг рақиби»ни) бир нима биландир чалғитиб, қиз билан гаплашиб олишига имкон яратиб боришини илтимос қилди.

Сураткаш бундай воқеаларга кўп дуч келганми, дарров йўлини топа қолди. У сурат олиб бўлгач, «Терп-